БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН
● № 245 (18.123). ● 23 октябрь 1981 йил, жума ● Баҳоси 2 тийин.

Даъватдан руҳланиб



РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ — ХАБАР ҚИЛАДИ —

- **22 октябрга қадар республикамизда 4.496.475 тонна пахта тайёрланди. Шунинг 2.726.842 тоннаси машиналар билан териб олинди. Кунлик ўсиш 79.542 тоннани ташкил этди. Шу жумладан 252.757 тонна ингичка толали пахта тайёрланди. Бир кунда 5413 тонна ипак пахта териб олинди.**
- Хоразм областида кунлик ўсиш йиллик планга нисбатан 2,66, Қорақалпоғистон АССРда 2,59, Самарқанд областида 2,20 процентни ташкил этди. Қорақалпоғистон АССРда ва юқорида номлари тилга олинган областларда машина терими юксак суръатларда олиб борилмоқда.
- **Куз тобора ўз ҳукмини ўтказмоқда. Ҳаво анча совуб, ёғин-сочин бўлиб турибди. Бугунги куннинг шиори — ҳар қандай об-ҳаво шароитига қарамасдан пахтани тезроқ йиғиштириб олишдан иборат. Ҳозирги ғанимат кунлардан, дақиқалардан, йиғим-терим техникаси воситаларидан юксак унум билан фойдаланиш лозим.**

Об-ҳаво қийинчиликларига юксак онглилик, уюшқоқлигимизни, фидокорона меҳнатимизни қарши қўямиз. Йиғим-терим илғорларига тенглашинг! Етиштирилган мўл ҳосилни сўнгги чаноқларигача йиғиштириб олайлик!

РАЙОНЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Ворошилов райони деҳқонлари Сирдарё областида биринчи бўлиб давлатга пахта топшириш йиллик планини бажардилар. Тайёрлов пунктларига 46950 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Ҳосилнинг 95 проценти биринчи сортларга қабул қилинди.

Эришилган бу меҳнат ғалабасига «Қизил Октябрь», Свердлов номли, Куйбишев номли, Карл Маркс номли колхозларнинг, «Гулистон», «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхозлари меҳнаткашлари муносиб ҳисса қўшдилар. Социалистик мажбурият ҳисобига пахта топшираётган бу хўжаликларнинг азамат заршуносларн ҳосилдорликни гектар бошига 30—38 центнерга етказдилар.

Район механизаторлари ҳам зарбдор суръат билан меҳнат қилдилар. Йиғиштириб олинган ҳосилнинг 85 проценти — 38200 тонна пахта машиналар бункеридан тўкилди. Район пахтакорлари ялпи ҳосилни 51 минг тоннага етказишга аҳд қилдилар.

* * *

Тошкент областининг Бекобод райони пахтакорлари йиллик планни бажардилар. Тайёрлов пунктларига 64035 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Ҳар гектар майдондан 28,3 центнердан ҳосил кўтарилди. Пахта териш машиналари билан топширилган ҳосилнинг 82 проценти ёки 53 минг тонна «оқ олтин» териб олинди. «Ленинград», «Оқолтин» совхозлари, Ленин номли, Дзержинский номли колхозларнинг меҳнаткашлари яхши ишладилар.

Район меҳнаткашлари мавсум охиригача 80 минг тонна дурдона топшириб, ҳосилдорликни 35,3 центнерга етказиш мажбуриятини олдилар.

* * *

Тошкент областининг Чиноз райони пахтакорлари ҳам йиллик планни бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Ватан чинозликлардан 31200 тоннадан зиёд биринчи сорт пахта қабул қилиб олди. Топширилган ҳосилнинг 86 проценти машиналар бункеридан бўшатилди. Ҳар бир агрегат билан ўртача 145 тоннадан пахта териб олинди. Ҳар гектар ердан йиғиштириб олинган ҳосил ўртача 35 центнерни ташкил этди.

«Янгиобод», «Партия XXIV съезди» совхозлари, «Қизил Октябрь», «Октябрь 40 йиллиги», Карл Маркс номли колхозларнинг коллективлари зарбдор суръат билан меҳнат қилиб, эришилган ютуққа катта ҳисса қўшдилар.

Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига жавобан чинозликлар ҳосилдорликни гектар бошига 40 центнерга етказиб, давлатга 35 минг тонна пахта топширишга аҳд қилишди.

* * *

Жиззах областининг Арнасой райони йиллик планни бажарди. Давлатга 52 минг тонна юқори сифатли пахта топширилди. Ялпи ҳосилнинг 83 проценти «зангори кема»лар билан териб олинди.

Район механизаторлари машинада пахта териш планини 112 процент қилиб адо этдилар. 11 минг тонна пахта топширган Ю. Фучик номли, 6-6,5 минг тоннадан пахта топширган Конев номли, Жуков номли, Рокоссовский номли совхозларнинг коллективлари муайян ютуқларга эришдилар.

Қўриқ район пахтакорлари ялпи ҳосилни 60 минг тоннага етказишга қарор қилдилар.

Жиззах райрнидаги «Москва» колхозининг пахтакорлари йиллик планни бажардилар. Эл хирмонига 10600 тонна пахта етказиб берилди. Машиналар билан 7300 тонна «оқ олтин» йиғиштириб олинди.

МАШИНАЛАР ШАРОФАТИ

20 октябрь куни Хоразм области далаларида 1493 та пахта териш машинаси ишлади. Уларнинг ҳар бири билан ўртача 4,7 тонна «оқ олтин» териб олинди. Машина теримида айниқса, Хива райони механизаторлари юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар. Бу ерда ҳар бир машина бункеридан ўртача 5,21 тонна пахта бўшатилди.

* * *

21 октябрь куни Қашқадарё области пахтазорларида 2252 та агрегатлар ишлади. Ҳар бир машина билан ўртача 2,3 тонна пахта териб олинди. Қарши ва Китоб райони механик-ҳайдовчилари йиғим-теримда энг яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар. Бу районларда ҳар бир машина билан 3,9 ва 3,6 тоннадан «оқ олтин» териб олинмоқда.

* * *

21 октябрь куни Самарқанд областида қўл теримида 201681 нафар киши қатнашди. Ҳар бир теримчи ўртача 39 килограммдан пахта териб берди. Қўл теримида Нарпай, Хатирчи, Каттақўрғон районларида юксак кўрсаткичларга эришилди.

Область пахтакорларига Самарқанд давлат университети студентлари яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар. Улар ҳозиргача 4270 тонна пахта териб бердилар.

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Социалистик мусобақа байроғини баланд кўтарингиз! Беш йиллик топшириқларини тўла ва ошириб бажарамиз!

(КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 64 йиллигига Чақириқларидан).

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилсин:

Ворошилов райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Ҳотамов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Йўлдошев, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Раҳмонбердиев, район «Сельхозтехника» бошқарувчиси ўртоқ Макаренко, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Қосимов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Маматқулов, қишлоқ хўжалиги ходимлари район касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Файзуллаев;

Ғузор райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Муҳаммадиев, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Сайдалиев, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Омонов, район «Сельхозтехника» бошқарувчиси ўртоқ Дейлис, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ражабов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Холманова, қишлоқ хўжалик ходимлари район касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Ҳамроев.

Греция Республикасининг Бош министри Андреас ПАПАНДРЕУ жаноби олийларига

Муҳтарам Бош министр жаноблари,

Сиз Греция Республикаси ҳукуматининг бошлиғи этиб тайинланишингиз муносабати билан қутловлар ва бу масъулиятли лавозимдаги фаолиятингизда муваффақиятлар тилаб билдирилган истакларни қабул этгайсиз.

Совет Иттифоқи билан Греция, мамлакатларимизнинг халқлари асрий анъаналарга эга бўлган дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари билан боғлангандирлар. Бу муносабатлар совет ва грек халқларининг фаровонлиги йўлида, тинчликни ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида янада ривож топади, деб умид қиламиз.

Л. БРЕЖНЕВ Н. ТИХОНОВ

АСОСИЙ КУРАШ ЙЎНАЛИШЛАРИДА
ХЖТ IX конгрессида

Халқаро журналистлар ташкилоти — ХЖТ IX конгрессида таъкидлаб ўтилдики, тинчлик, халқлар озодлиги учун, империалистик агрессия кучларига қарши, ирқчилик ва апартеидга, эски ва янги мустамлакачиликка қарши кураш Халқаро журналистлар ташкилотининг фаолиятида етакчи ўрин эгаллайди.

21 октябрда конгресс қатнашчилари: «ХЖТнинг тинчлик, хавфсизлик ва халқлар ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишига қўшган ҳиссаси», «Янги халқаро информацион тартибот» ва «Журналистларнинг халқаро бирдамлиги» деган мавзулардаги мунозаравий секцияларда ишладилар.

Халқаро вазият ғоятда кескинлашган, АҚШ маъмурияти куч ишлатиш сиёсатини ишга солаётган бугунги кунда демократик журналистиканинг катта-катта имкониятларини кескинликни юмшатиш ва тинчлик ишига хизмат қилдириш айниқса муҳимдир, деб таъкидлашди делегатлар. Бунда ҳаққоний информация тарқатиш, уруш, милитаризм, фашизм пропагандасига қарши, миллий ва ирқий нафратга қарши кураш прогрессив матбуот, радио ва телевидениенинг асосий қуроли бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда.

Журналист ва конгресс меҳмонлари Сальвадор журналистлари миллий союзининг делегацияси билан учрашдилар.

* * *

Конгресс номига табрик хатлари ва телеграммалари келиб турибди. МХРП Марказий Комитетининг Бош секретари, Буюк Халқ Хурали Президиумининг Раиси Ю. Цеденбал, Вьетнам Социалистик Республикаси Министрлар Советининг Раиси Фам Ван Донг, Ироқ Республикасининг президенти С. Ҳусайн, шунингдек бир қанча демократик жамоат ташкилотлари конгресс қатнашчиларини қутладилар.

(ТАСС).

ПРОТОКОЛ ИМЗОЛАНДИ

22 октябрь куни Тошкентда рангли телевидениега доир Совет — Франция комиссиясининг XXI сессияси ўз ишини тугаллади. Комиссия аъзолари иккала мамлакатнинг телевидение соҳасидаги ҳамкорлиги якунларига ва уни ривожлантириш истиқболларига тааллуқли бир қанча проблемаларни муҳокама қилдилар. Сессия тугагандан кейин Франция делегациясининг бошлиғи А. Бонвиль ва Совет делегациясининг бошлиғи — СССР алоқа воситалари саноати министрининг ўринбосари А. А. Кузьмицкий имзолаган протоколда СССР ва Франция мутахассисларининг янги рангли телевизион приёмниклар ишлаб чиқиш, телевизион системалар ва асбоб-ускуналарнинг, шу жумладан рақамли телевидениенинг параметрларини такомиллаштиришга доир биргаликдаги ишларнинг йўллари белгиланди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми давлат меҳнат омонат кассалари системасида кўп йил, самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан СССР Давлат меҳнат омонат кассалари Ўзбекистон республика бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари ўртоқ Иван Макарович **Машенкога «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист»** фахрий унвонини берди.

МЕХАНИЗАТОРЛАР ЙЎКЛАМАСИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССРНИНГ ИККИ ДОНГДОР ДАЛА ГВАРДИЯЧИСИ ҲИКОЯ ҚИЛАДИ:

10 тоннадан 32 тоннагача

Жамила БЕКЧОНОВА —

Элликқалъа районидаги «Москва» совхозининг бригадир-механизатори.

Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг Мурожаатидан руҳланган бригадамиз пахтакорлари зўр ғайрат билан меҳнат қилиб, йиллик пахта тайёрлаш планини қисқа фурсатда ортиғи билан бажардилар. Ҳар гектар ердан 37 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтардик. Лекин далаларимизда ҳали пахта кўп. Ички имкониятларни ҳисоблаб чиқиб, гектаридан яна 23 центнердан пахта йиғиштириб олишга қарор қилдик.

Шуниси қувончлики, тайёрлов пунктига топширилган пахтанинг ҳаммаси «зангори кема»ларда терилди, қолган қисми ҳам машиналарда терилади. Бизнинг оилавий терим экипаж аъзоларимиз мавсум бошидан буён 420 тонна дурдона терди. Куни кеча бункерлардан 32 тонна пахта тўкиб, юқори кўрсаткичга эришдик. Бунда турмуш ўртоғим Абдулла Искандаров, укам Ўктам Султоновларнинг муносиб ҳиссаси бор. Биз борлиқ ҳосилни тез кунлар ичида йиғиб-териб олиб, ялпи пахта миқдорини 461 тоннага етказамиз.

Хўжалигимизнинг Зуҳро Маткаримова бошлиқ оилавий терим экипажи аъзолари ҳам кеча бункерлардан 29 тонна пахта бўшатиб, мавсум бошидан буён 350 тонналик марранн эгалладилар. Зуҳронинг турмуш ўртоғи Қодир Рўзимбетов, укаси Ёқуббой Бобожоновлар фидокорлик билан меҳнат қилиб, катта хирмонга муносиб ҳисса қўшишди.

Совхозимиз ва районимиз бўйича пахта тайёрлаш планини ва социалистик мажбуриятимизни тез кунларда бажариш учун мавжуд техника воситаларининг ҳаммасини тўла сафарбар этяпмиз.

Бозорбой АШЕНБОЕВ —

Кегайли районидаги Куйбишев номли совхозининг механик-ҳайдовчиси.

Ишчилар синфи сизларга ажойиб техникани бериб қўйган. Ишчилар синфи ана шу буюк кучни ўз баҳодирларига, дала гвардиячиларига ишониб топширганлигини халқ унутмайди. Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатидаги бу сўзлар барча механизаторларимизни унумдор пахта далаларида зарбдорчасига меҳнат қилишга чорламоқда. Механизаторларимиз ҳам, теримчиларимиз ҳам фидокорона меҳнат қилиб, «оқ олтин» хирмонини тобора кўкка бўй чўздирмоқда.

Мен ҳар куни машинам бункеридан 10 тоннадан пахта тўкяпман. Мавсум бошидан буён терган пахтам 150 тоннага яқинлашиб қолди. Сафдошларимдан П. Палимов, Б. Жуманиёзовлар ҳам машина терими суръатини тобора оширмоқдалар.

Совхозимизнинг жонкуяр теримчиларидан Олбос Қурбонниёзов, Тозахон Хўжаметова, Бозор Қувоншбоевалар кунига 170—180 килограммдан дурдона териб, ҳаммага ибрат бўлмоқдалар.

Халқимизда «кўпдан қуён қочиб қутулмас» деган нақл бор. Пахтамиз бор. Халқимиз меҳнатсевар. Лекин фурсат қисқаряпти. Унинг ҳар дақиқасидан оқилона фойдалансак, ҳаммамиз бир жон, бир тан бўлиб ишласак, планнигина эмас, балки мажбуриятимизни ҳам шараф билан бажаришимиз мумкин ва бажарамиз!

Қорақалпоғистон автоном республикасининг барча механизаторлари ҳам Мурожаатга амалий иш билан жавоб бермоқдалар. Бу хусусда механизаторлар йўқламаси ўтказилиб, ким қанча пахта тергани эълон қилиб боріляпти.

„Оқ олтин" хирмонига

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 22 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

ТОШКЕНТ	0,67	106,07	0,74	118,11
Бухоро	1,29	92,19	1,44	88,05
Жиззах	1,48	90,50	0,91	95,96
Сирдарё	1,25	87,83	1,01	92,36
Қашқадарё	1,43	84,70	1,84	73,42
Наманган	0,75	78,38	1,03	70,90
Фарғона	0,91	75,56	1,43	66,53
Сурхондарё	0,90	75,11	1,08	58,61
Хоразм	2,66	69,34	3,75	64,01
Андижон	0,85	65,77	1,06	47,93
ҚҚАССР	2,59	58,78	2,96	43,43
Самарқанд	2,20	57,11	2,71	39,99
Республика бўйича:	1,36	77,00	1,61	70,46
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Бухоро	1,16	88,99	0,86	57,45
Наманган	2,72	86,96	2,85	79,10
Сурхондарё	1,30	72,39	1,34	59,61
Қашқадарё	1,81	53,51	1,66	25,38
Республика бўйича:	1,46	68,31	1,43	47,63

ОБ-ҲАВО ҚИЙИНЧИЛИКЛАРИНИ ЕНГИБ

Андижон области заршунослари бугунги кунда дала — бункер—прицеп— қуритиш-тозалаш цехи — тайёрлов пункти технологиясига қатъий риоя қилган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Суткасига 6000 тонна хом ашёни қабул қилиб олиш қувватига эга бўлган 69 та қуритиш-тозалаш цехлари ҳар қандай об-ҳаво шароитида пахтани узлуксиз қабул қилиб олинишини таъминламоқда. Сўфиқишлоқдаги «Ойим», Ленинскдаги «Ниёзботир», «Призаводской», Пойтуқдаги «Луғумбек» ва «Тўрткўл» пахта тайёрлов пунктлари ва қуритиш-тозалаш цехларининг коллективлари социалистик мусобақанинг олдинги сафида бормоқдалар.

ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИКЛАРГА МУКОФОТЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика министрликлари ва идораларининг қишлоқ ёрдамчи хўжаликларини ривожлантириш борасида 1981 йилнинг тўққиз ойи ва учинчи кварталидаги социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқиб, қуйидагиларга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқларини бердилар:

Бухоро область ижроия комитети савдо бошқармаси Когон шаҳар савдо бўлимининг ёрдамчи хўжалиги коллективи (шаҳар савдо бўлимининг директори ўртоқ Гольдман, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Иванчина, бирлашган касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Мавлонова). Бу коллектив чўчқалар ва қорамолларни шу ернинг ўзида урчитиб кўпайтириш ҳисобидан чўчқаларни 15038 бошга ва қорамолларни 1600 бошга етказиш билан бир вақтда уларни жами 414 тонна семиртириб, 273 тонна гўшт реализация қилган, учинчи кварталда чўчқаларни кўпайтириш юзасидан социалистик мажбуриятларини 20 процент, қорамолларни кўпайтириш юзасидан социалистик мажбуриятларни 36 процент бажарган, йиллик топшириқни 8 баравар ошириб адо этган, 1565 тонна озиқ-овқат чиқитларини йиғиб, чорва молларга бериш учун ем сифатида фойдаланган. Байроқ Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг Қарши ошхоналар трестидан олиб берилади;

«Самаркандгеология» бирлашмасига қарашли Қизилқум геология-разведка экспедицияси ёрдамчи хўжалигининг коллективи (экспедиция бошлиғи ўртоқ Акрамов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Чаришев, ёрдамчи хўжалик директори ўртоқ Раҳмонов). Бу коллектив чўчқаларни анча кўпайтириб, 14 тонна — планга нисбатан 175 процент гўшт етиштириш ва реализация қилишни таъминлаган ҳамда тўққиз ой ичида молларни ўстириш планини 130 процент, чўчқа болалари олиш планини 201 процент бажарган ва ҳар бир чўчқанинг реализация қилинадиган ўртача вазнини 108 килограммгача етказган, ем-хашак тайёрлаш планини 153 процент адо этган, 259 тонна озиқ-овқат чиқитидан ем сифатида фойдаланган. Байроқ Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлигига қарашли Зомин интернат-уйининг ёрдамчи хўжалигидан олиб берилади.

ЧОРВАДОРЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети чорвачилик юзасидан социалистик мусобақанинг 1981 йил тўққиз ойи якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқларини қуйидагиларда қолдиришга қарор қилинди:

Хоразм области (область партия комитетининг секретари ўртоқ Худойберганов, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Сапоев, область касаба союзлари Советининг раиси ўртоқ Худойберганова, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ Иброҳимов.) Бу область барча турдаги чорва ва паррандаларнинг кўпайишини таъминлаган, гўшт етиштиришни 10 процент, сут етиштиришни 11 процент, тухум етиштиришни 11 процент оширган, гўшт тайёрлаш йиллик планини 94 процент, сут тайёрлаш йиллик планини 87 процент, тухум тайёрлаш планини 83 процент, жун тайёрлаш йиллик планини 100 процент бажарган;

Жиззах области (область партия комитетининг секретари ўртоқ Боймиров, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Исломов, область касаба союзлари Советининг раиси ўртоқ Нормуродов, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ Субхонова). Бу область барча турдаги чорва ва паррандаларнинг маҳсулдорлиги ўсишини таъминлаган, гўшт етиштиришни 6 процент, сут етиштиришни 9 процент, тухум етиштиришни 14 процент оширган, гўшт тайёрлаш йиллик планини 80 процент, сут тайёрлаш йиллик планини 83 процент, тухум тайёрлаш йиллик планини 83 процент, жун тайёрлаш йиллик планини 100 процент бажарган, хашак ва ширали озуқа тайёрлаш ҳажмини анча кўпайтирган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Қашқадарё области (область партия комитетининг секретари ўртоқ Ғойипов, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Элбоев, область касаба союзлари Советининг раиси ўртоқ Самадов, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ Аҳмедов). Бу область чорва ва паррандаларнинг барча турлари кўпайишини таъминлаган, гўшт етиштиришни 10 процент, сут етиштиришни 14 процент, тухум етиштиришни 16 процент оширган. Гўшт тайёрлаш йиллик планини 98 процент, сут тайёрлаш йиллик планини 95 процент, тухум тайёрлаш йиллик планини 101 процент, жун тайёрлаш йиллик планини 102 процент бажарган. Байроқ Сурхондарё областидан олиб берилади.

Самарқанд области (область партия комитетининг секретари ўртоқ Раҳимов, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Ҳамроқулов, область касаба союзлари Советининг раиси ўртоқ Ҳасанова, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ Носиров). Бу область чорва ва паррандалар маҳсулдорлигини оширишни таъминлаган. Гўшт тайёрлаш йиллик планини 79 процент, сут тайёрлаш йиллик планини 83 процент, тухум тайёрлаш йиллик планини 105 процент, жун тайёрлаш йиллик планини 108 процент бажарган. Бу ўтган йилдагидан анча кўпдир. Байроқ Тошкент областидан олиб берилади;

Хоразм областининг Боғот райони (район партия комитетининг секретари ўртоқ Бобожонов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Ҳакимов, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Бектурдиев, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Сапоева). Бу район чорва туёғини ва маҳсулдорлигини, чорвачилик маҳсулотлари барча турларини етиштириш ва тайёрлашнинг анча ўсишини таъминлаган. Гўшт тайёрлаш йиллик планини 107,3 процент, сут тайёрлаш йиллик планини 116 процент, тухум тайёрлаш йиллик планини 125 процент, хашак тайёрлаш йиллик планини 131 процент, силос бостириш йиллик планини 190 процент, витаминли ўт талқони тайёрлаш планини 104 процент бажарган. Байроқ Қашқадарё областининг Усмон Юсупов районидан олиб берилади;

Тошкент областининг Бўка райони (район партия комитетининг секретари ўртоқ Исломов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Мўминов, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Давронов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Бобохўжаев). Бу район чорва ва паррандалар кўпайишини, чорвачилик маҳсулоти барча турларини етиштириш ва тайёрлашни ўстиришни таъминлаган, гўшт тайёрлаш йиллик планини 108,5 процент, сут тайёрлаш йиллик планини 102 процент, тухум тайёрлаш йиллик планини 121 процент, хашак тайёрлаш йиллик планини 107 процент, силос бостириш йиллик планини 109 процент, витаминли ўт талқони тайёрлаш планини 202 процент, кузги озуқа экинлари экиш планини 6,5 баравар ошириб бажарган. Байроқ Самарқанд областининг Оқдарё районидан олиб берилади;

Қашқадарё областининг Деҳқонобод райони (район партия комитетининг секретари ўртоқ Холтўраев, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Тожиев, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Жўраев, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Ҳамроева). Бу район чорва ва паррандаларни кўпайтиришни, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни таъминлаган, гўшт тайёрлаш йиллик планини 89,5 процент, сут тайёрлаш йиллик планини 106 процент, тухум тайёрлаш йиллик планини 125 процент, жун тайёрлаш йиллик планини 101 процент, хашак тайёрлаш йиллик планини 136 процент, витаминли ўт талқони тайёрлаш планини 210 процент бажарган. Байроқ Қорақалпоғистон АССРнинг Тўрткўл районидан олиб берилади.

Жиззах областининг Арнасой райони (район партия комитетининг секретари ўртоқ Соипназаров, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Самандаров, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Хаитов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Бозоров). Бу район чорва ва паррандалар кўпайишини, чорвачилик маҳсулоти етиштириш ва тайёрлашни оширишни таъминлаган, гўшт тайёрлаш йиллик планини 113 процент, сут тайёрлаш йиллик планини 86 процент, тухум тайёрлаш йиллик планини 109 процент, жун тайёрлаш йиллик планини 100 процент, хашак тайёрлаш йиллик планини 202 процент, витаминли ўт талқони тайёрлаш планини 105 процент бажарган. Байроқ Фарғона областининг Ленинград районидан олиб берилади.

Бухоро областининг Ғиждувон райони (район партия комитетининг секретари ўртоқ Раҳимов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Мақсудов, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Содиқов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Наврўзов). Бу район чорва ва паррандалар, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтиришни таъминлаган, гўшт тайёрлаш йиллик планини 100 процент, сут тайёрлаш йиллик планини 82 процент, тухум тайёрлаш йиллик планини 184 процент, жун тайёрлаш йиллик планини 138 процент бажарган. Байроқ Бухоро областининг Вобкент районидан олиб берилади;

Қорақалпоғистон АССРнинг Амударё райони (район партия комитетининг секретари ўртоқ Қурбонбоев, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Қурбонниёзов, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Болтабоев, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Тожимуротов). Бу район чорва ва паррандалар, чорвачилик маҳсулотлари барча турларини етиштириш ва тайёрлашни кўпайтиришни таъминлаган. Гўшт тайёрлаш йиллик планини 98 процент, сут тайёрлаш йиллик планини 81 процент, тухум тайёрлаш йиллик планини 105 процент бажарган. Байроқ Наманган областининг Косонсой районидан олиб берилади.

1981 йилнинг тўққиз ойи якунларига кўра колхозлар, совхозлар ва бошқа корхоналарнинг қуйидаги коллективлари чорвачиликни ривожлантириш юзасидан ўтказилган республика социалистик мусобақасининг ғолиблари деб топилди:

Тошкент область Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози;

Андижон область Балиқчи районидаги «Партия XXV съезди» колхози;

Наманган областидаги Косонсой хўжаликлараро чорвачилик корхонаси;

Жиззах область Мирзачўл районидаги «Советская Россия» совхози;

Хоразм область Хонқа районидаги Ал-Хоразмий номли совхоз;

«Узглавзаготживпром»га қарашли Самарқанд қишлоқ райони Самарқанд бўрдоқичилик пункти;

Қашқадарё область Усмон Юсупов районидаги 21-«Тошкент» совхози;

Тошкент аграр-саноат бирлашмасига қарашли Назарбек совхози;

Каттақўрғон зотли паррандалар репродуктори;

Ўзбекистон ССР Балиқ саноати давлат комитетининг Дамачи балиқчилик хўжалиги;

Тошкент область Ғалаба район матлубот союзининг бўрдоқичилик хўжалиги.

САКСОНИНЧИ ЙИЛЛАР КОММУНИСТЛАРИ

ШЕРБУЛОҚЛИКЛАР

Эски «ГАЗ-51» оппоқ қор кўрпаси остида мудраб ётган адирлар тинчини бузиб, паст-баландликларда инграб-инграб, ниҳоят, ялангликда қўққайиб турган бостирмага келиб тўхтади. Йигирма чоғлик одам машинадан тушди.

— Қани, йигитлар, ишни бошлаймиз — деди янги совхоз директори О. Исомов ва уларни бостирмага бошлади.

Улар бостирма атрофидаги қорларни кураб, унинг ичини тартибга солиб, одам яшашига мослаштиришди. Бир неча кундан сўнг, йигирма чоғлиқ бульдозерлар, тракторлар ҳайқириб, ер текислашни бошлади. Шундай қилиб, 1979 йилнинг 3 январи тонгида Наманган областидаги янги хўжалик — «Фарғона» совхози ишчиларининг дастлабки иш кунлари бошланди...

БЕГАРИҚ

Коммунист Жўрабоев Чортоқ районидаги Навоий номли колхознинг уста пахтакори, яхшигина ҳовлиси, уй-жойи бор, ҳамқишлоқлари ўртасида обрў-эътибори ҳам жойида эди. Шербулоқ адирларида янги хўжалик ташкил этилишини эшитиб, у ерда ишлашга отланди. Бекмирзани пахтачилик бригадасига бошлиқ қилиб сайлашди. Коллективга ажратилган янги ўзлаштирилган майдонда бир йил олдин насосларда сув чиқарилиб, қўшни колхоз пахта эккан эди. Бироқ, бир йил ичидаёқ хўжасизликдан насослар ишдан чиқиб, қувурлар яроқсиз ҳолга келибди. Бекмирза Жўрабоев пахта экиш учун аввало ўтган йили ташлаб кетилган ғўзапояларни юлиб, ерни шудгорлаб, текислаб юрибдию, сувни нима қиламиз, деган ўй хаёлини тинч қўймайди. Тез орада ерга чигит ташлади. Ғўза айни чанқаган пайтда сув қаердан олинади. У бригада аъзолари билан маслаҳатлашди.

— Ариқ қазисак, чигит суғориладиган вақтгача улгурармикинмиз?

— Биринчи машина каналидан сув келтириш учун вой-бу, жуда кўп куч керак, — деди совуқда қунишиб ўтирганлардан бири. — Қўлимиздан келмайдиган ишга уриниб...

— Бригадиримизнинг гапида жон бор, — деди Абдураҳмон Қозоқов. — Бошқа иложимиз ҳам йўқ. Қандай бўлмасин, бу йил пахта экиб, ҳосил олишимиз керак.

— Агар ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб ишлайдиган бўлсак, ариқ қазиш ҳечгапмас, — дея бригадир кенгашга нуқта қўйди.

Жўрабоев бригадаси ариқ қазишга киришди. Эни саксон сантиметр, узунлиги икки километрлик ариқ жуда қисқа вақтда қазилди. Қақраб ётган ерларга обиҳаёт келди!

Бекмирза Жўрабоев ташаббуси билан қазилган, бригада экинзорларининг қон томири бўлган бу ариқни пахтакорлар Бегариқ деб атайдилар.

Жўрабоев бригадаси биринчи йили ҳар гектар ердан 13,5 центнердан «оқ олтин» териб олди. Бу йил мажбуриятда белгиланган 15 центнер ўрнига 25 центнердан ҳосил етиштиришга қарор қилишган.

«БАМ»

— «БАМ»да зўр олмалар парвариш қилиняпти!..

«БАМ»да 200 тонна пахта етиштирамиз! Ҳозир жуда очилибди!

Совхоз активлари билан суҳбатлашиб ўтирганимда шу сингари сўзларни эшитиб ҳайрон бўлдим.

...Совхознинг идораси ҳисобланган шийпондан энг узоқ экин майдони 18 километр келаркан. Дастлабки йили совхознинг пахтачилик бригадаларидан бири ўша ерда ташкил этилди. Унга 1-машина каналида гидротехник бўлиб ишлаётган Холматжон Бобоев тайинланди. Совхозда йўллар йўқ, атроф бийдай адирликлар. Шунинг учун бош агроном М. Шарипов ҳазиллашиб, бу бригадани БАМдаги бригадамиз, деб атаган эди. Ўша гап ҳалиям одамлар оғзидан тушмайди. Энг чекка бригадага Эргашвой Ҳасанов, Эргашвой Турғунов, Жўрамирза Қозоқовлар асос солишган эди. 30 гектаргина ер очиб, 10 гектарига ток қаламчалари ўтқазишди, қолганига чигит экишди. Ҳозир бу ерда 75 гектар пахта майдони бор. Ундан 200 тонна пахта олинади. Бригада ерларини «БАМ» деганларича бор экан. Одамлар ер текислаб, пахта ўстириб, боғ-роғ қилгунларича жуда кўп қийинчиликларни тотиб кўришди. 59 гектар майдондаги олмалар ҳам мевага кириб қолди.

БАХТЛИ БУЛ, СОҲИБА!

Шу йилнинг ўн биринчи сентябрь куни ўн чоғлиқ уйдан иборат совхоз марказида янги инсон туғилди. Унинг инга-ингаси бутун Шербулоқ адирлари бўйлаб жаранглагандек туюлди. Асрлар мобайнида инсон қадами етмаган адирларда вужудга келтирилаётган гулшан масканнинг соҳибаси дунёга келди. Шофер Ғофиржон Абдуллаевни янги меҳмон билан табриклаш учун унинг икки божаси — қўшниси ва ҳамкасби Собиржон Холмирзаев ва механизатор Қўчқорбой Бўриев кириб келди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай совхоздаги уйларнинг энг биринчисини обод қилиб яшаётган механизатор Ҳасанбой Рўзиев рафиқаси Раҳбарой билан қутлуғ қадамли инсон туғилганлиги билан қутлашди. Ғофиржон билан Сожидахон учинчи фарзандлари исмини яхши ният билан Соҳиба деб қўйдилар.

— Чақалоқнинг туғилиши совхоз раҳбарларини анча ташвишга солиб қўйди, — дейди жилмайиб совхоз партия ташкилоти секретари Зокир Шарифбоев. — Гапнинг очиғи бу ширин ташвишлар. Биз совхоз активлари ҳар хил юмушлар билан банд бўлиб юриб, баъзи нарсаларни ёддан чиқарган эканмиз. Соҳибахоннинг туғилиши бизда бошқа муаммолар ҳам борлигини, уларни тезрок ҳал этишимиз лозимлигини талаб қиляпти. Совхозда биринчи галда турар жойлар қурилиши суръатини ўстириш, боғча ва яслилар, мактаблар қуришимиз керак, экан.

Бу йил совхоздаги биринчи турар жой қуриб фойдаланишга топширилди. Ҳозир саккизта уйда фақат шофёрлар, механизаторлар ва пахтакор ишчиларнинг оилалари истиқомат қилишмоқда. Биноларда барча маиший шароитлар яратилган.

МУАММОЛАР

Совхоз ташкил этилган вақтдан буён 530 гектар майдон ўзлаштирилиб деҳқончилик оборотига киритилди. 35 километрдан зиёд масофага турли диаметрдаги қувурлар ётқизилди. Совхоз билан район марказини боғловчи йўлнинг 11 километрига асфальт ётқизилди. 17 километр масофадаги ички хўжалик йўллари қурилиб, шағал тўкилди. 12 та электр ва кўчма насослар ўрнатилиб ишга туширилди. 320 гектардан зиёд майдонга мевали дарахтлар, ток ўтқазилиб, бехато кўкартириб олинди. Яқин келажакда совхоз учун ажратилган 3200 гектар майдоннинг қарийб учдан бири ўзлаштирилиб, 600 гектар токзор, боғ-роғлар барпо этилади.

Совхознинг тез тараққий этиши учун хўжаликни кадрлар билан тўла таъминлаш зарур. Уй-жойлар қурилиши тезлаштирилиши керак. Совхозга ажратилган капитал маблағ салмоғига кўра беш йиллик охиригача бориб, турар жойлар сони юзтага етаркан. Бу жуда кам. Агарда уйлар кўпроқ қурилса, одамлар кўпроқ ишлашга келишади. Ишчиларнинг кўпчилиги ўз кучлари билан уй-жойлар қуришмоқчи. Лекин уларга қурилиш материаллари топиб беришнинг иложи йўқ.

Ичимлик сув йўқ. Кўпинча 15 километр йўл босиб, Чортоқдан олиб келиняпти. Пармаловчилар ярим километрга яқин чуқурликкача қудуқ қазишди. Аммо шўр сув чиқди. Мутахассисларнинг фикрича, фақат бир километрча чуқурликда қудуқ кавланса, истеъмолга яроқли сув чиқиши мумкин экан. Бунинг учун областда етарли техника йўқ. Совхозда 1500 бош қўй, 100 бош қорамол, кўплаб паранда бор. Чорва моллари туёғи борган сари кўпайиб боряпти. Уларни нима билан суғоришга бош қотяпти.

— Совхозда боғдорчилик ва узумчилик бўйича мутахассислар йўқ, — дейди совхоз директори О. Исомов. — Хўжалигимиз атрофида бешта совхоз бўлиб, уларда ҳам худди шундай мутахассисларга эҳтиёж сезиляпти. Агарда совхозимиз территориясида билим юрти очилганида, шофёрлар, механизаторлар билан биргаликда боғбонлар, соҳибкорлар ҳам тайёрланганида, нур устига нур бўларди. Яқин келажакда совхозда ерлар асосан машиналар воситасида суғорилади, чорва комплекслари қурилиб, электрлаштирилади. Хўжалигимиздаги электр подстанцияларининг кучи эса уйларни ёритишгагина етади, холос.

Чортоқ районидаги «Фарғона» боғ-узумчилик совхозининг коммунистлари ана шундай қувонч ва ташвишлар оғушида яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Хўжаликнинг ҳамма соҳаларини комплекс ривожлантириш чораларини кўрмоқдалар.

А. НИЕЗОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

● ТОШКЕНТ

КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларидан руҳланган Бекободдаги В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия комбинатининг ишчи-хизматчилари фидокорона ишламоқдалар. Куни неча коллектив ҳаётида қувончли воқеа содир бўлди: корхонада янги цехнинг иккинчи навбати маҳсулот бера бошлади. Цех металл эритиш комплексини хом ашё билан таъминлаб туриш учун қурилди. Бу ерда вазни 800 килограммгача борадиган прессланган темир-терсак пакетлари тайёрланади. Шу кунларда ишга тушган машина-ускуна воситасида ҳар йили эритиш печларига ташлаш учун қулай юз минг тонна темир-терсак ишловдан ўтказилади.

● УЙЧИ

Шойи тўқиш фабрикасининг Лутфулла Аҳмаджонов бошлиқ бўёқчилар бригадаси барча маҳсулотни биринчи тақдим этишдаёқ юқори сортга топширадиган бўлишди. Бригада аъзолари ҳозир келгуси йилнинг март ойи ҳисобига меҳнат қилишмоқда.

Уйчи шойи тўқиш фабрикасининг бўёқчилари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига муносиб совға ҳозирлаш учун тайёргарлик кўришмоқда. Шонли сана 3,5 йиллик планини бажариш билан кутиб олинади.



Чирчиқ трансформатор заводи коллективи СССРнинг 60 йиллиги шарафига зарбдор вахтада ишлаб, тўққиз ойлик планни барвақт адо этди. Корхонада шу йилнинг ўзида ўн хил янги трансформаторлар ишлаб чиқарилди. Экспорт маҳсулотлари ҳажми пландагидан 40 процент кўп бўлди.

Суратда: заводнинг илғор меҳнат коллективларидан бири — И. Сейдаматов бошлиқ бригаданинг иш участкаси.

Р. ШАМСУДДИНОВ фотоси.
(УзТАГ).

«ЎРОҚ ВА БОЛҒА» ИТТИФОҚИГА САДОҚАТ

ТОНГ БИЛАН УЙҒОНИБ

- ● ШАҲАР — ҚИШЛОҚҚА
- ● ИШЧИЛАР ҲИММАТИ
- ● ЗАРБДОР МЕҲНАТ, ЮКСАК СУРЪАТ
- ● СТУДЕНТЛАР — ЭНГ ЯҚИН ЁРДАМЧИ

Кўк юзида шапалоқдай булут қалқидими, кекса-ю ёш — ҳамма осмонга тикилади. «Қуюқлашмасин, ишқилиб ёғмай ўтиб кетсин-да», — дея ташвиш тортади. Бу, табиий! Ахир, ким ҳам ўз ризқ-рўзи — нонини увол қилгиси, ёғин-сочин остида қолдиргиси келади? Ҳеч ким! Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг «Барча коммунистлар ва комсомолларга, колхозчилар, совхоз ишчиларига, механизаторларга, қишлоқ хўжалиги раҳбарлари ва мутахассисларига Мурожаати»да ҳаққоний равишда таъкидланганидек, «бутун республиканинг ҳар бир аҳолиси — колхозчи ва ишчи, ёзувчи ва олим, инженер ва педагог, хизматчи ва студент, врач ва уй бекаси ҳам ҳосил тақдирига шахсан дахлдор эканлигини англаб олиши, «оқ олтин» учун жангдаги ўз ўрнини виждон амри билан белгилаши, жонтани билан пахтакор бўлиши керак.

Районда биронта ҳам корхона, ўқув юрти, муассаса, ташкилот йўқки, унинг вакиллари пахта йиғим-теримида қатнашмаётган бўлсин. Чилонзордаги ўттиз учта саноат корхоналари, қурилиш, савдо ташкилотлари меҳнаткашларини шу кунларда Оққўрғон районидаги Куйбишев номли, Навоий номли колхозларнинг далаларида кўриш мумкин. Пахта йиғим-терими бўйича бу ердаги район штаби бошлиғи, халқ депутатлари Совети район ижроия комитети раисининг ўринбосари Юрий Яковлевич Курсеевнинг таъкидлашича, ҳар куни мингдан ортиқ киши пахтакорларга яқиндан ёрдам беряпти. Оққўрғон райони маррага яқинлашиб қолган экан, бунда Чилонзордаги 2-пойабзал фабрикаси, «Промсвязь», «Электробитприбор» заводлари, «Главташкентстрой»нинг транспорт бошқармаси, «Голубой огонёк» ательеси ишчиларининг ҳиссаси бор. Улар ишчи-деҳқоннинг яқин мададкори эканлигини амалда исбот қилишяпти.

Мана беш йилдирки, Чилонзор Жиззах областининг қўриқ Арнасой районига оталиқ ёрдами кўрсатиб келмоқда. Биз Тимошенко номли, Юлиус Фучик номли, Конев номли, Рокоссовский номли, Ворошилов номли совхозларда бўлганимизда пахтазорда иш қизигандан-қизиётганини, қуёш уфққа ёнбошлаб, далаларга оқшом қўнганда ҳам меҳнат тўхтамаётганини кўрдик. «Зангори кема»лар гулдуроси, эгатларга сочилган сон-саноқсиз ёшлар киши завқини келтиради. Бу ўтюрак ёшлар — студентлар. Чилонзор районида жойлашган Халқлар дўстлиги орденли халқ хўжалиги, чет тиллар, педагогика институтлари, электр медицина техникаси техникуми, Социал таъминот министрлигига қарашли билим юрти ва техникумининг талабалари. Шуниси қувончлики, улар жасорат кўрсатиб ишлаётган Арнасой чўлқуварларига тенглашишга интилмоқда.

— Йиғим-терим мавсумини ташкил қилиш тўғрисидаги масала, — дейди Арнасойдаги штаб бошлиғи, Чилонзор райони партия комиссияси раиси Обид Ёқубович Аҳмедов, — хўжаликларга отланишдан олдин ҳал этилган эди. Райком бюроси кишиларни сафарбар қилиш, ёрдамчиларга зарур уй-жой ва маиший шароитларни ҳозирлашнинг аниқ-равшан тадбирларини анча аввал белгилаб чиқди.

Штаб аъзолари ҳашарчилар пахтага чиқмасларидан олдин Оққўрғон ва Арнасойда бўлишди, мазкур районлар ҳамда хўжаликларнинг раҳбарлари билан ҳамкорликда шаҳарликларни қаерларга жойлаштириш масаласини муҳокама қилиб олдилар. Эндиликда «Иржарсовхозстрой» тресги 32-кўчма механизациялашган колоннаси биносида жойлашган штабнинг бутун диққат-эътибори ёрдамчиларнинг юқори унум билан ишлашларини таъминлашга, коллективларда тартиб ва интизомни сақлашга, уларга яхши маданий-маиший шароитлар яратишга қаратилган.

Район коллективлари ўртасида кенг авж олдирилган социалистик мусобақа кутилган натижаларни бермоқда. Ўзаро меҳнат беллашуви якунлари саноат, транспорт, алоқа ташкилотлари, ўқув юртлари бўйича алоҳида-алоҳида чиқарилади. Мусобақада студентлар зарбдорларча қатнашаётганлиги ҳаммани мамнун этмоқда. Ўтган беш кун ичида улар кучи билан 2256 тонна пахта хирмонга топширилди. Халқ хўжалиги институтининг ҳар бир студенти ўртача кунига 72 килограммдан «оқ олтин» териб, ғолиблар сафида боряпти. Улар «Джизакстепстрой» территориал бошқармасининг совхозларида ишлаётган бошқа институтлар студентлари орасида биринчи ўринни эгаллашди. Бундан руҳланган халқ хўжалиги институти талабалари Абу Райҳон Беруний номли Тошкент политехника институти коллективининг ташаббусига қўшилиб, ҳар йигит-қиз ушбу мавсумда 2 минг килограммдан пахта териш мажбуриятини олдилар. Ф. Энгельс номли чет тиллар педагогика институтидан борган ҳашарчиларнинг ҳам ҳиммати баланд. Бу олий ўқув юртида дастлабки беш кунликда ўртача ҳар кунига 70,9 килограммдан дурдона тўкилди.

Студентлар кечки овқатни энди тугатишган ҳам эдики, «би-бип»лаб «Чилонзор» савдо марказининг кўчма автолавкаси келиб қолди.

— Районимиздаги савдо ташкилотлари, масалан, райпишчеторг, савдо маркази, «Таштекстильшвейторг», «Тошкент» фирмаси, — тушунтирди штаб бошлиғи, — шаҳарлик ҳашарчиларга яхши хизмат кўрсатяпти. Иссиқ кийим-бош дейсизми, йиғма каравотлар дейсизми, озиқ-овқат моллари дейсизми, ҳаммасини етказиб туришибди. Чилонзорлик ўн бир нафар шифокор, шунингдек ТошМИнинг ҳадемай битирувчи қирқ талабаси студентларнинг сиҳат-саломатлигига кўз-қулоқ. Райондаги бадиий ҳаваскорлик коллективлари тез-тез келиб туришибди. Р. Глиэр номли маданият уйининг Бутуниттифоқ «Каҳрабо ўлка баҳори» конкурси лауреати бўлмиш «Бизнинг қўшиқ» вокал-инструменталь ансамбли чиқишлари катта таассурот қолдирди. Институтларнинг профессор-ўқитувчилари студентлар ҳамда совхозларнинг ишчилари ўртасида ўттизга яқин турли мавзуда лекция ва суҳбатлар ўтказишди. Ётоқхоналарнинг аксариятида телевизорлар бор. Ўйлаймизки, совхозларнинг раҳбарлари қолган жойларни ҳам тезроқ телевизор билан таъминлайдилар.

Арнасойликлар шу йил 1 ноябргача пахта топшириш плани ва мажбуриятларини шараф билан бажаришга сўз беришган. Шу кунни тобора яқинлаштириш мақсадида ҳар куни қарийб етти минг студент тонг билан уйғониб, этак боғлаб, далага чиқяпти. Ҳали пахта кўп. Ёз бўйи, куз бўйи кун санаган кечки кўсакларнинг ҳам кўзи ёриляпти. Кумуш толалар чаноқларга сиғмай кўпирмоқда. Деҳқон чеҳрасидаги табассум, ҳашарчи юз-кўзидаги жилва ҳадсиз-ҳисобсиз чаноқлар лабига кўчгандай.

Э. ХУЖАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

ЮРИДИК ФАННИНГ ВАЗИФАЛАРИ

21 октябрь куни Москвада илмий-мувофиқлаштириш кенгаши ўз ишини тамомлади. Кенгашда барча иттифоқдош республикалардан мингдан ортиқ юрист олимлар, суд, прокуратура ходимлари иштирок этдилар.

— Биз КПСС XXVI съезди қарорлари асосида мамлакатда юридик фан ва олий юридик таълимни ривожлантиришнинг актуал вазифаларини муҳокама қилдик, — деди кенгаш якунларини шарҳлаб СССР Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институтининг директори, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси В. Кудрявцев. — СССР янги Конституциясининг қоидаларини, шунингдек кейинги йилларда қабул қилинган қонунларни амалда жорий этиш тўғрисида гап борди. Бунда халқ хўжалигини бошқаришнинг ҳуқуқий воситаларини такомиллаштиришга, давлат интизомини мустаҳкамлашга, ҳар бир кишининг топширилган иш учун масъулиятини оширишга алоҳида аҳамият берилди.

Халқаро ҳуқуқ проблемалари ҳам кўриб чиқилди. Совет фани тинчлик ва ҳамкорлик ғояларини изчил ҳимоя қилиб, халқаро ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қаратилган шартномалар ва битимларни ишлаб чиқишга фойдали ҳисса қўшмоқда.

Кенгашда тадқиқотларнинг ғоявий ва илмий савиясини, шунингдек юридик олий ўқув юртларида ўқув-тарбиявий ишлар даражасини оширишга қаратилган тавсиялар қабул қилинди.

(ТАСС мухбири).

Чет элларда

ЯДРО ТЕЛБАЛИГИГА ҚАРШИ

Л. И. Брежневнинг «Правда» мухбири саволига жавоби жаҳон жамоатчилигининг, чет эл оммавий ахборот воситаларининг диққат марказида турибди. Кўпгина мамлакатларнинг матбуоти, радио ва телевидениеси, таниқли чет эл сиёсат ва жамоат арбоблари совет раҳбарининг ядро уруши чиқиши хавфини тугатишнинг туб проблемасига оид мўътабар баёнотини шарҳлаб, бутун совет халқи каби совет раҳбарларининг ҳам фикр и-зикри ва куч-ғайратлари умуман ядро урушига йўл қўймасликка қаратилганини таъкидламоқдалар.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг газеталари «Правда» мухбирининг саволига Л. И. Брежнев жавобининг тўла текстини босиб чиқарди.

Совет президенти ўз баёнотида Р. Рейганнинг гапларига жавоб қайтарди ва ядро уруши чиқиши имкониятларини йўқотишга доир таклифларини баён этиб берди, деб уқтиради Американинг ЮПИ агентлиги. Кимки ўзини ўзи ўлдиришга аҳд қилган бўлса, у ядро урушида ғолиб чиқиш умидида шундай урушни бошлаши мумкинлигига совет раҳбарининг ишончи комил, деб таъкидлайди агентлик.

Л. И. Брежнев, деб қайд этди Америкадаги Эй-Би-Си телекомпанияси, «бир-бирига ядро зарбаларини ҳар қандай тарзда уруш телбалик», деб ҳисоблайди ва президент Рейганни ядро ҳужуми ғоясининг ўзини жиноий ғоя, деб рад этувчи очиқ-равшан баёнот беришга чақиради.

Совет раҳбари, деб уқтиради Англиядаги «Таймс» газетаси, совет халқининг фикри-зикри ва куч-ғайрати ядро урушига умуман йўл қўймасликка қаратилганини яна бир бор таъкидлади. Британиянинг Би-Би-Си радиокорпорацияси шуни уқтирадики, «президент Рейган ҳам совет раҳбарининг, ҳам Ғарб мамлакатлари раҳбарларининг танқидига учраб, икки ўт орасида қолди». Жумладан, АҚШ президентининг «ядро уруши Европа территорияси билангина чекланиб, Америка қитъасига етиб бормаслиги мумкин» деган баёноти Ғарбдаги безовталикка сабаб бўлди, деб таъкидлайди Би-Би-Си.

[ТАСС].

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

БЕРЛИН. Чет эл авторларининг китобларини нашр этишга ихтисослашган Берлиндаги «Фольк унд вельт» нашриёти маҳсулотининг кўп қисми СССР ёзувчи ва шоирларининг асарларидир. Берлинда шу нашриёт немис тилида чиқараётган совет китоблари виставкаси очилганлиги шундан далолат беради.

ГДРдаги ана шу энг катта нашриёт ташкил этилганидан буён ўтган 34 йил мобайнида совет авторларининг умумий тиражи 22 миллион нусхадан иборат китобларини чиқарди. Сўнгги тўрт йил мобайнидагина «Фольк унд вельт» нашриёти туфайли республика китобхонлари 170 та ёзувчи ва шоирнинг — Совет Иттифоқидаги қарийб барча миллат вакилларининг ижоди билан танишиш имкониятига эга бўлди.

ВЕНА. Австрия Демократик хотин-қизлар ва «Тинчлик учун курашувчи хотин-қизлар» оммавий ташкилотлари Австрия ҳукумати номига йўллаган мактубда ёш авлодни кескинликни юмшатиш ва тинчлик ғоялари руҳида тарбиялаш зарурлигини таъкидладилар. Улар қуролсизланиш учун ҳаракат ҳафталиги вақтида Австриядаги барча мактабларда тинчлик кунини ўтказиш ташаббусини илгари сурдилар.

ДОРУС-САЛОМ. Танзаниянинг Аруша шаҳрида одам ва ҳайвонлар орасида трипаносомоза касаллигини ўрганиш билан шуғулланувчи халқаро илмий кенгашнинг йиғилиши бошланди. Бу касалликни тарқатувчилардан бири цеце пашшасидир. 200 дан зиёд олим ва мутахассис Африкада экономикага жиддий зарар етказаётган шу ҳашоратга қарши кураш проблемаларини муҳокама қилмоқда.

БИСАУ. Бу ерда Португалия Гвинеяси ва Яшил Бурун ороллари мустақиллиги учун курашувчи Африка партияси миллий кенгашининг навбатдан ташқари сессияси иш бошлади. Сессияда партиянинг 1 фавқулодда съездига тайёргарликнинг бориши кўриб чиқилади.

РАНГУН. Бирма халқ мажлисига (парламент) 4 октябрдан 18 октябргача ўтган умумий сайловда Бирма социалистик программаси ҳукмрон партиясидан барча 475 номзод депутатликка сайланди.

[ТАСС].

ПБИП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СЕКРЕТАРИАТИНИНГ МАЖЛИСИ

ПАП агентлигининг хабар беришича ПБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари В. Ярузельский раислигида ПБИП Марказий Комитети секретариатининг мажлиси бўлиб ўтди. Бу мажлисда марказий ва маҳаллий партия органлари учун Марказий Комитет 4-пленумининг қарорларидан келиб чиқадигаан вазифаларни бажариш программаси муҳокама қилинган. Марказий Комитет аъзолари 4-пленумда ўртага қўйилган таклифлар ҳам кўриб чиқилган. ПБИП Марказий Комитетининг 5-пленумига тайёргарликнинг бориши қараб чиқилди.

ПАП агентлиги яна хабар қилади: В. Ярузельский бирлашган деҳқонлар партияси бош комитетининг раиси С. Игнар ва демократик партия марказий комитетининг раиси Э. Ковальчик билан учрашган. Шу учрашувларда, деб хабар қилади ПАП, мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий аҳволга тааллуқли муҳим масалалар, аввало мамлакатни танглиқдан халос этиш усуллари кўриб чиқилган.

(ТАСС).

АНГЛИЯ:

АЯНЧЛИ МАЪЛУМОТЛАР

Буюк Британия савдо-саноат доираларининг етакчи ташкилоти — Британия саноати конфедерацияси навбатдаги аянчли иқтисодий маълумотларни эълон қилди.

Ҳукумат ўзининг иқтисодий сиёсатини ўзгартирмас экан, мамлакатда ишсизлик кўпаяверади ва пулнинг қадрсизланиши давом этаверади, деб уқтирилади конфедерациянинг бу ерда эълон қилинган докладида.

Келгуси йилда Англияда ишсизлар кўпайиб, 3,5 миллион кишига етади. Ҳозирнинг ўзидаёқ Англияда қарийб уч миллион киши ишсиздир, деб таъкидланади ҳужжатда.

[ТАСС].

ТИНЧЛИККА ЖИДДИЙ ТАҲДИД

Америкалик таниқли жамоат арбоби Д. Брэуэр АҚШнинг ядро потенциалини янгилашни кўзда тутувчи Рейган маъмурияти планларини кескин танқид қилди. АҚШнинг «МХ» ракета системаларини, «В-1» стратегик бомбардимончи самолётларини ва қурол-яроғларнинг бошқа янги турларини ишлаб чиқариш ва кўпайтириш тўғрисидаги қарори тинчликка жиддий хавф туғдиради, деди у.

Бу программанинг амалга оширилиши АҚШ бошидан кечираётган иқтисодий қийинчиликларнинг ҳам янада кучайишига олиб келади. Ҳозирги вақтда ядро ҳалокатининг олдини олиш йўлларини излаш энг асосий вазифадир, деб уқтирди Д. Брэуэр. (ТАСС).

АҚШ ЧЕТДА ҚОЛАР ЭМИШ

БОНН

Президент Р. Рейганнинг расмий Вашингтон Ғарбий Европага АҚШнинг ядро тутқуни ролини ажратиб бериб, Европа қитъасида ҳеч иккиланмай «чекланган» ядро урушини бошлаши мумкинлигидан далолат берувчи ошкора баёноти ГФРда сиёсий бўрон қўзғалишига сабаб бўлди.

Рейган вилоят газеталарининг редакторлари билан аввалги жума куни ўтказган суҳбатида Европада «катта давлатлардан биронтаси кнопкани босмаган ҳолда жанг майдонида ҳарбий қисмларга қарши томонларнинг тактик қуролни ишлатиб бир-бирларига зарба уради-ган» вазият вужудга келиши мумкин, деган гапни айтди. Бошқа сўзлар билан айтганда, у АҚШ маъмуриятининг стратегик концепцияси уруш чиққан тақдирда Ғарбий Европа радиоактив заҳарга дучор бўлади-ю, аммо АҚШ бир четда қолади, деган фикрга асосланаётганини очиқ-равшан шама қилиб ўтди.

ДПА агентлигининг хабар қилишича, ҳукмрон Германия социал-демократик партиясининг етакчи сиёсий арбоблари Рейганнинг сўзларини «даҳшатли сурбетлик» деб таърифлади.

ПАРИЖ

Франс Пресс агентлигининг мухбири Гаагадан хабар қилади: Голландия ҳукумати президент Рейганнинг Европа билан чекланувчи ядро уруши эҳтимоли борлиги тўғрисидаги баёнотидан хабардор бўлиши биланоқ Вашингтондан изоҳ талаб қилди.

ВАШИНГТОН

Рейганнинг ошкора гаплари муносабати билан Ғарбий Европада қаҳр-ғазаб туғён урганлиги Вашингтоннинг расмий доираларини ҳаддан ташқари саросимага солиб қўйди. Давлат департаментининг расмий кишилари, деб хабар қилади ЮПИ агентлиги, президентнинг гаплари хусусида «ўзларига етказилган зарарни тузатиб олиш» имконини бера оладиган «изоҳ» тўқиш учун эртадан-кечгача овора бўлдилар. Маъмуриятнинг юқори мансабдор шахслари билан ўтказилган маслаҳатлашувлардан кейин ҳар қандай ядро уруши Европа билан чекланмайди ва «президентнинг гапини бундан бошқача талқин этиш хато бўлур эди», албатта, деган гап тарқатилди.

Аммо орадан бир неча соат ўтгач давлат департаменти расмий баёнот бериб, ҳақиқатда Рейганнинг позициясини тасдиқлади. «Президентнинг айтганлари, НАТО қабул этган эпчиллик билан жавоб беришдан иборат узоқ муддатли стратегияга тўла-тўкис мос келади», — деб таъкидланади баёнотда.

Гарчи Вашингтон бу ўринда НАТОнинг номини сотишга уриниб кўрган бўлса ҳам, сиёсий обзорчилар Рейганнинг айтганлари каби давлат департаментининг баёноти ҳам АҚШ маъмурияти Ғарбий Европа мамлакатларининг халқларини ўйлабнетиб турмай қурбон қилишга тайёр эканлиги хусусида ҳеч қандай шубҳа қолдирмаслигини тўғридан-тўғри уқтириб ўтмоқдалар. АҚШ маъмуриятининг доктринасига мувофиқ Вашингтон тузаётган «чекланган» ядро уруши планларида Ғарбий Европа мамлакатлари оддий статистлар ролини ўйнашлари лозим. (ТАСС).

РЕЖИМНИНГ ҚОНЛИ ЖИНОЯТЛАРИ

Англияда чиқадиган «Нью стейтсмен» журнали эълон қилган мақолада Вашингтон қўллаб-қувватлаётган Сальвадордаги диктаторлик режимининг қонли жиноятларини фош қилиб ташлаган.

Марказий Америкадаги ана шу мамлакатда ҳукумат қўшинлари ва улар ихтиёридаги «ажал эскадронлари» ҳар тунда 40 га яқин кишини қатл қилмоқдалар. Бу эса деб таърифлайди «Нью стейтсмен» журнали, ғоят даҳшатли воқеадир. Бу йил мамлакатда бебошлик ва жазо чоралари кучайиб кетди. Сальвадор хунтаси азоб чеккан мамлакатни ана шу бебошлик ва террор ёрдами билан бошқармоқда.

Ўтган йилнинг январидан буён Сальвадорда тинч аҳолидан 20 минг киши йўқ қилиб юборилди. Буни Сальвадор инсон ҳуқуқлари комиссияси ва Сан-Сальвадор архиепископлиги юридик ёрдами хизматининг маълумотлари ҳам тасдиқлаб турибди. Сальвадорда одамларни таъқиб этиш шундай кўпайиб кетдики, у қонли касбга айланиб қолди, деб уқтиради журнал.

Пировардида «Нью стейтсмен» журнали бундай деб ёзади: Сан-Сальвадордаги Консепсьон кўчаси аслида дафн қилиш бюролари кўчасига айланган. «Ажал эскадронлари» ўз «иш сменаси»ни тугатганларидан кейин ҳар куни эрталаб бу бюроларнинг эгалари жасадларни қидириш учун йўл оладилар».

(ТАСС).

ПАХТА УЧУН КУРАШДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ДАМЛАР

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ЙЎЛЛАНМАСИ БИЛАН

КАРВОН КЕЛАЁТИР...

Тошкент

Йўллар ҳам элу юрт маъмурчилигининг кўзгусига ўхшайди. Каҳрабодай товланиб ётган шолипоялардаги ғарамлар, маккажўхоризорларда тинмай дон янчаётган комбайнлар, пахтазорлардаги қатор оппоқ пахта юкли тележкалар...

Узун эгатларда ўзи юрар тоғлардай бункерлари тўла машиналар... Асфальт йўлда шоир айтганидай «ҳар бири тоғ булути»дай қўйлар суруви ўтади.

Баланд тепаликда қад кўтарган жангчининг муаззам ҳайкали. Кузнинг нафаси тегиб олтинланаётган довдарахтлар салобати. Ҳаммаси Ўзбекистон манзарасини ёрқинлаштирувчи, қалбга ғурур солувчи бахтиёр лавҳалар. Шундай завқли таассуротлар билан Бўка район партия комитети биносига кирарканмиз, нур устига аъло нур бўлиб, ажойиб хушхабар бизни беҳад шодлантирди: район меҳнаткашлари 65000 тонналик хирмон уйиб, давлатга пахта сотиш йиллик планини СССР Конституцияси шарафига бажаришибди. Ҳосилнинг 58 минг тоннаси машиналарда терилибди. Район пахта далаларида 400 пахта териш машинаси ишлаб, ҳар бир машина 150 тоннадан пахта тўкибди. Пахтакор деҳқон меҳнатининг кўзгуси бўлган бу рақамлар бизга шундай гўзал достон сўйлайди: унда баҳорнинг хосиятли кунларида ерга экилган чигитнинг ҳиди; унда — қатқалоқ босган ғўзаларнинг ишловдан сўнг яйраб нафас олиши; унда — ғўзанинг шонага кирган шарофатли дамлари; унда — пушти ва сариқ ғўза гулларининг нафислиги, муаттарлиги; унда — кўсак санаб, хирмон чўғини чамалаган деҳқоннинг шодон чеҳраси; илк очилган пахтани тилсим топгандай суюниб дўстларига кўрсатиб, кўзига сурган пахтакорнинг оламжаҳон сурури; унда — биринчи бункерни тележкага ағдарган механизаторнинг қувончи, ҳаяжони...

КАРВОН ВА САРБОН

Карвон олис йўлларга отланди, дейлик. У қақроқ чўллардан ўтиб боради. Қум барханларида бўладиган қуюнларни енгиб манзилга етиб боради. Карвон ўзи етиб бормайди, албатта. Уни сарбон етаклаб боради. Тадбиркор сарбон. Дала йўллари-чи? Дала йўллари безовта тўлқинларни орқалаган дарёга ўхшайди, худди. Бу дарёлардан инжулар карвони оқиб бормоқда. Хазина деган денгизга қараб оқиб бормоқда. Уфқ қизара бошлар. Олов ранг либосини алмаштириб чиққан қуёш уйқуга бош қўймоқда. Лекин йўлларда чироқлар порлайди. Карвонларнинг чироғи. Тун бўйи, тонггача карвонлар ўтади бу йўллардан. «Оқ олтин» карвонлари. Ҳа, яримшар атласидаги минтақалар кўз тутиб турган кимё боради йўлларда. Дунёнинг ярми кўз тикади ўзбекнинг пахтасига. Деҳқон эса кимёгарга ўхшайди худди. Унинг белини бардам қилган далалари — хазинаси бор.

«Коммунизм» колхозининг «оқ олтин» карвонлари биринчилар қаторида йўлга тушди. Улар 30 сентябрдаёқ манзилга етиб келдилар. Колхоз ўтган йил ҳам манзилга биринчи бўлиб (24 сентябрда) етиб келган эди. Бу йил ҳам у пойгада олдинда борди, биринчи бўлиб рапорт берди. Манзилга биринчи бўлиб етиб келган карвоннинг тадбиркор сарбони ким дерсиз? Уни Саидраҳим Саймоқов дейдилар. 21 йиллик сарбонлик тарихида у «оқ олтин» карвонларини ҳамиша ўз вақтида манзилга етказди. Қандай қилиб? У ҳар йилдагидек бу йил ҳам 14 девқомат машинасини ишга созлашдан бошлади. Колхознинг 100 процент, ҳа, юз фоиз пахтаси машиналарда терилади. Шу сўзга урғу бергимиз келади. Юз фоиз пахта машинада терилгач, ёрдамчига эҳтиёж қолмайди. Колхоз 2400 тонна пахтани ўз кучи билан йиғиб-териб олади.

Айни терим қизиган паллаларда колхоз кунига 11 ярим процентдан дур тўплайверди. Ҳар бир терим машинаси афсонавий бир қудратга айланди. 14-15 тоннадан ҳосил тўкиб турди. Ҳар бир механизатор-чи? Уларнинг ғайрати қандай бўлди экан? 20 тоннани сараламай пайкалдан чиқмади улар. Колхоз планни 120 процент адо этди. Бу процентнинг ҳар грамми олтинга тенг. Улар аъло навга қабул қилинди.

Колхознинг пахтаси аъло, плани ҳам аъло! Хўш, одамларнинг руҳи-чи? Колхознинг ворислари-чи? Улар қувнаб ўсаяптими? Механизатор оталари, акаларига муносиб соғлом бўлиб етишяптими?! Ахир, далаларнинг бўлғувчи соҳиблари, сарбону дарғалар шулар-да! Саволимизга жавоб бўлсин, деб бизга 90 ўринли болалар боғчасини кўрсатдилар. Ҳа, колхознинг сарбони оналарни ҳам унутмабди. Ҳамма бригадада мавсумий боғча. Кичкинтойларни оқ ювиб, оқ тараб ўстираётган тарбиячилар Гулзорхон Нишонова, Озодахон Аҳророва, Соҳибахон Мустафоқуловаларни жуда болажон аёллар дейишди.

Яхши, оналарнинг болаларидан кўнгли тўқ. Даладаги ишиям унумли-да, албатта.

Кун бўйи далада меҳнат... Меҳнатдан сўнг-чи? Колхозчининг ҳордиқ чиқарар жойлари борми, билгимиз келади-да.

— Ана, клубимиз, — дейишади. Мана буниси — чойхона. 600 минг сўм сарфланиб типовой ҳаммом ҳам қурилибди.

— Колхозчилар қандай яшашади?

— Меҳнатига яраша-да. Меҳнатим — роҳатим деган шиор баралла янграйди бу ерда. Колхозчиларнинг 100 га яқин енгил машинаси бор. Қайси хонадонга кирсангиз, дастурхонда сут, қаймоқ, ёғли патир. Иккитадан сигир бўлгач, чўмичи ҳам мой, пичоғи ҳам. Телевизор. Ранглиси, оддийси.

Колхозда оилавий экипажлар бор-йўқлиги билан қизиқамиз. Ҳа, бор экан. Ортиқжон билан Жалғас Болтабоевлар 310 тоннаданга бел боғлашибди. Колхознинг 50 центнерчи бригадаларини «Ҳурмат тахтаси»га ёзиб қўйишибди. Мана улар: Ўроқбой Оқилбоев, Зокр Ҳотамов, Омон Ҳасановларнинг бригадалари.

Биз далада эдик. Узоқдан арава кўринди. Арава тўппа-тўғри пайкалга қараб келарди. Муқимийнинг Қўқон араваси далада нима қилиб юрибди дерсиз? Йиғим-терим палласида отга ҳам, аравага ҳам иш топиларкан. Колхознинг ошпазлари Изатхон Ражабова, Жангишой хола Мирзақуловалар иссиқ овқат тарқатиб юришибди. Ҳа, механизатор тахтиравонида ўтирибди. Унинг пойида пахтазор ястаниб ётибди, тележкачилар у терган жавоҳирни ташиб улгуролмаяпти. Пахтазор уфқларга бош қўйиб чайқалади. Далаларда, одамларнинг руҳида бир соф нашида кўрамиз. Чаноқлардаги толаларга узатилган қўлларни шеърга солгимиз келади. Бу қўлларни таърифламоқ учун оддий сўз эмас, мусиқий сатрлар даркор. Пайкалларда қуёшнинг ўзи кезиб юргандай. Куз япроқларига термуламиз. Далалар ажойиб-да: бир ёнда кумуш нурланади, бир ёнда олтинзор. Баракасини берсин! Бу механизаторнинг орзуси, нияти. Барака ҳам гапми. Тележкачилардан сўранг буни. Уни Оллоёров Йўлдош деб ардоқлашади. Йўлдошвойнинг иш соати механизаторнинг иш соатидан кам эмас. Механизатор бир кунда 12 бор машина бункерини бўшатади. Пахта ташувчиларнинг ғироти неча бор пахта пунктига бориб қайтади. Оқилбоев Аввалбек ҳам тележкачи. «Коммунизм» колхозида унга атаб қўшиқ ҳам тўқишган. Аввалбекнинг темир карвонлари йўлга чиққанида ернинг қовурғалари қайишармиш. У бир кунда 60-70 тонна пахта ташийди. Тракторига 8 та тележкани улаб, катта магистралдан бораётганида осмондан юлдузлар тўкилармиш. Рост, ҳозиргача тележкаларнинг сони 3-4 тадан ортмасди. Аввалбек бу соҳада ўзига хос рекорд қўйди. Унинг трактор поездини кўрган одам воажаб, дейди. Ошпаз холанинг овқати севиб қоляпти. Механизаторнинг бункери тўлиб-тошяпти. Унинг ўзи чарчамаяптими? Чарчаётгандир. Лекин пайкалдан чиққиси йўқ. Унинг руҳи баланд. Парвози юксак. Мана, механизаторларнинг энг кенжаси Сандаҳад Саймоқов.

ТЎЛИНОЙ ШУЪЛАСИДА

Унинг иш соати тонгда бошланади. Тўғрироғи, у тонгни уйқудан уйғотади. Таниш моторнинг овози далаларнинг уйқусини бузади. Ғўзалар таъзимга бош эгадилар соҳибига. Шу қадоқ қўллари билан оламни тўйдириб келган деҳқон азамат машинасининг рулини тутади яна. У бир лаҳзагина туриб қолади. Ширин орзуга эрк беради йигит. Бугун ой тўлишади. Ойнинг ёғдусида пахтазорни кузатганмисиз? Йигитнинг қалби туғён уради. У бугун далаларда чарчамоқчи эмас, далаларни чарчатмоқчи.

— Чу, азамат! — Сандаҳад отига қамчи босади. Еру кўкни гулдурос қоплайди. Йигит нур денгизига шўнғиб кетади.

Бу тонг она ер осуда ухлабди-да, ўйлайди йигит. Шудринг тушмабди...

Оқ сочли далаларда лочин учиб юрганга ўхшайди худди. Йигит неча бор бункерини бўшатади. Бу орада ошпаз Жангиш хола унга райҳон кертилган угра оши келтиради. Угра ошини қатиқлаб йигитга тутади.

— Ол, болам, толиқдинг.

— Раҳмат, холажон.

— Кечки овқатингга нима пишириб келтирай?

— Манти, манти бўлсин-да, холажон!

— Жоним айлансин.

— Бугун ой тўлади. Ой шуъласида хирмонимиз баракали бўлади-да, холажон!

— Ҳа, ниятингга ет, болам!

Сандаҳад ҳар куни тонгги соат 4 гача пахта терарди. Бугун эса тонгни тонгга улади шоввоз. Тўғрироғи, ойнинг шуъласида тонг отганини ҳам сезмай қолди. Ҳотамжон ҳам қўшни далада, ой шуъласида пахта теряпти. Тонг билан сарҳисоб бўлади. Қани, ким ўзди экан?

Сандаҳад 250 тоннага мажбурият олган. Шу тонгни мажбуриятни бажариб кутиб олмоқчи.

Ана — аста тонг ҳам ёришади. Қуёш бош кўтариб қарайди. Кеча оқшом далада қолдириб кетган шунқорни далада кўриб ёқасини ушлайди. Алпомиш йигитнинг бошидан ёғду сочади.

МАРИЯНИНГ ҚЎШ ҚАНОТЛАРИ

Мария Александровна Ковалёва — пахтакор. Пахтакоргина эмас, механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. Халқ депутати. «Бўка» совхозининг илғор бригада бошлиғи. Оддий, камтарин. Сентябрь ойи бошларида Оққўрғон район механизаторлари слётида кўриб, шоирона нутқини эшитиб мафтун бўлган эдик. Очиқ юзли аёлнинг табассуми, бироз ҳаяжонланиб гапириши ҳам минбарга нақадар ярашган эди! Мана, ҳозир суҳбатимизда фидойи меҳнат вакиласи. Оппоқ сурп дуррачасидан тортиб, ихчам иш кийими дала шароитига ярашиб тушган пахтакор.

— Мен пахтани 1954 йили, Воронеждан Бўканинг Тимирязев номли колхозига кўчиб келган йилим кўрдим, севиб қолдим. Турмуш тақозоси билан тракторчилик касбини ўрганган эдим. Дон дарёсидан олти километр нари бўлган қишлоғимизда ғаллакорлик қилардик. 5 минг гектар ерга буғдой сочиб ҳосил кўтарардик... Уруш йиллари ғарқ пишган буғдойзорларнинг ёнганини кўриб қанчалар даҳшатга тушганман! Ишонасизми, тупроқ ёнарди. Дарахтлар ёнарди. Худди тирик жондек инграрди. Инсоннинг меҳнати ёнарди... Ўшанда тинч, осуда меҳнат кунлари келишини ўйлаб, биз қизалоқлар камуйқу, беҳаловат бўлиб қолгандик. Тошкентни нон шаҳри, деб эшитардик. Нон шаҳрига ризқу рўз излаб келгандик ўшанда. Мана, кўриб турибсиз, туппа-тузук пахтакорман энди. Ризқу рўз эмиш, обрў-эътибор топдим мен бу диёрда. Энг муҳими — ёр-дўстлар, қанотларимни топдим. Сизлар кечиринглар, жуда олислаб кетдим. Лекин, одам хурсандчилик кунлари оғир дамларини эсламай иложи йўқ экан...

Унинг юзлари ёришиб кетади. Бу ёруғлик пахтанинг шуъласига ўхшайди.

— Куни неча пахта планимиз тўлди, деб рапорт бердик! 30 центнерлик маррани эгалладик. Мажбуриятимиз — 40 центнер. Пахтанинг ҳаммасини машинада теришди механизаторларимиз. Ҳар қанча мақтовларингиз бўлса шулар таърифида айтинглар — дейди у самимий табассум билан. Унинг дала шамолига ўрганган соғлом чеҳрасида, чаққон ҳаракатларида турмушидан мамнун аёлларга хос бахтиёрлик балқади. — Хлебороб эдим, хлопкороб бўлиб қолдим мана, — дейди аёл ғурурланиб.

Бригада аъзолари 15 иш кунида ғалабага эришганларию нозиккина шогирди Ўрозгулнинг машинада тонна-тонна пахта тергани, механизатор Абдулҳай Ғафуровнинг жонбозлиги, сувчи Эргашев Олимжон аканинг меҳнатлари ҳақида Мария Александровна меҳр билан бизга сўзлаб берди.

— Мана шулар менинг қанотларим! Яна бир қанотим — пахта териш машиналари! Механизациясиз деҳқон бугунги кунда қанотсиз қушнинг ўзгинаси! Шундай, азизларим! — дейди у қанот сўзига урғу бериб.

Ягона оила туйғуси билан меҳнат қилаётган «Бўка» совхози далаларида ўн етти миллат ёшларининг қўшиқларини тинглаш мумкин. Дўстлик, ҳамжиҳатлик туйғуси ҳам совет кишисининг қаноти бугун. Совхозда ансамбль ҳам бор: «Оққуш». «Оққуш» ўз қўшиқлари, рақслари билан пахта ишига ҳисса қўшаётганидан хурсанд. Меҳнат қўшиқлари бугун пахтакорларнинг яна бир қаноти!

— Яширишнинг ҳожати йўқ. 1 октябрдаёқ рапорт бермоқчи эдик. Ёмғирни кўрмайсизми, ишимизни орқага сурди. Мана, бу ҳосилдор ўн икки гектарлик пайкалдан биринчи теримдаёқ 30.5 центнердан, чап томондаги картадан эса 25 центнердан ҳосил олдик. Ҳали пишиб етилмаган карталаримиз ҳам йўқ эмас... Колхозчиларимиз онгли, жонкуяр одамлар. Ёшлар-ку, меҳнатга чанқоқ. Тоғни урса талқон қиладиган фаслда. Одам шу тупроқда кўкариб, улғайиб эл қаторига қўшилар экан, умрининг таянчи меҳнат деб билади. Очиғини айтсам, дам олишга вақтим, чарчашга ҳаққим йўқ. Бу ҳақда ўйлаб кўришга ҳали эрта. Лекин умр бўйи юрагингда ёшлик қўри ёниб турса, деб умид қиласан, киши.

Инсоннинг орзу-умиди ҳам бир қанот! Ҳаётда шунча қанотлари бўлган одам толармикан! Бундай қанотлар билан ер юзини гуллатиб, Ватаннинг ҳуснига ҳусн қўшиб, обрўсига обрў бахш этиб, кўнгил тўлиб яшаса бўлади!

Гулчеҳра ЖЎРАЕВА,
Ойдин ҲОЖИЕВА,
Эътибор ОХУНОВА.
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари.

Ардоқли республикам

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати.

Эй, пахтасин довруғи оламни тутган диёр,
Кураш жангоҳларидан гуркираб ўтган диёр,
Мушкул кунлар заҳрини тик туриб ютган диёр,
Бул шодумон дамида ғамин унутган диёр;
Ардоқли республикам, қутлай келар шон билан.

Тонгнинг бўзида отга эгарни урган халқим,
Ҳар тола, ҳар чаноқ деб эгилиб турган халқим,
Қор остидан ҳаттоки бир чигит терган халқим,
Ҳар ўқини мўлжалга уролган мерган халқим,
Сен, ахир, ҳар чигитни тенг кўрдинг-ку нон билан.

Эслайман ғўзани дўл, Сени ғам урган кунни,
Қийраб қолган далада дилни босган тутунни,
Одамзод шер бўларкан ишга солса ўч, хунни,
Шулардан сўнг мен қандоқ олқишламай якунни,
Қандоқ пешвоз чиқмайин бир шеъри алвон билан.

Кўсак селин дору деб кўзга қуйиб ўсдик биз,
Ҳидсиз ғўза гулидан бир ҳид туйиб ўсдик биз,
Далада пахтадан чит, атлас кийиб ўсдик биз,
Пахта майинлигидан кўнгил ийиб ўсдик биз,
Ким ризқин улуғламас эътиқод, имон билан.

Бағрида илитгудай гоҳ бошида чўкдик тиз,
Пахтамас манглайларга гоҳо солиб кетган из,
Карвонга бир йиллик нур, сояларни ортдик биз,
Карвонга коммунистик ғояларни ортдик биз,
Ва муродга ошиқдик юрт — Ўзбекистон билан.

Гўдакларим киракан бу юртнинг бўстонига,
Мен шон қўшиб айтаман Ўзбекистон шонига,
Ки юрт меҳри сут билан кирсин улар қонига,
Ўзбекистон жойлансин гўдакларнинг жонига,
Гўдак шундай улғайгач юртин суяр жон билан.

Бул кун суйган жон элим муродига етар кун,
Юлдузлар кўкдан кўчиб кўкракларга ўтар кун,
Мен қавиган қўшқавиқ беқасам тўн битар кун,
Республикам эгилиб елкасини тутар кун,
Тўнни кийдириб қутлай шу кичик эҳсон билан.

Уриб турса ҳам совуқ октябрнинг нафаси,
Сабо келтираётир «алёр жўралар» сасин,
Тонгда кўнгилни бир шавқ, ҳайрат, ҳаяжон босиб,
Сенинг ғолиб кунингни кўрмоқ бўлар-у насиб,
Менинг кичкина кўнглим тенглашгай осмон билан.

Эй, пахтасин довруғи оламни тутган диёр!

Сирдарё область Ильич районидаги «Правда» совхозининг Эгамберди Ботиров бошлиқ бўлими пахтакорлари бу йил ҳар гектар ердан 50 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаришга аҳд қилганлар. Пешқадам коллектив шу кунларда ҳам уюшқоқлик билан меҳнат қилиб, кунига йиллик планнинг 2—3 проценти миқдорида пахта топширмоқда. Суратда: бўлим бошлиғи Э. Ботиров илғор пахтакорлар Р. Мўминов, Ш. Каримов, А. Тоғаев, Н. Бердиевлар билан.

А. Тўраев фотоси.

АГИТБРИГАДА ДАЛА КЕЗАДИ

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ташкил этган агитбригада Тошкент областининг Янгийўл, Пискент, Бўка районлари дала шийпонларида бўлиб, медицинага оид лекциялар ўқиди, бадиий ҳаваскорларнинг концертларини намойиш этди.

Агитбригада составида «Билим» жамиятининг лекторлари, Тошкент шаҳар 3-маданият уйи қошидаги «Баёт» ашула ва рақс ансамблининг қатнашчилари ва халқ ижоди вакиллари бор.

А. ЗАЙНИДДИНОВ.

СУРЪАТ ОТИНИ ҚАМЧИЛАБ

Бухоро

Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг Мурожаатини совхозимиз коллективи баланд руҳ билан кутиб олди. Бу йил пахтадан юқори ҳосил етиштириш осонликча бўлмади. Табиат нечоғли ўжарлик қилмасин, халқимиз катта жасорат ва матонат билан мўл ҳосил етиштирди. Энди гап ана шу ҳосилнинг сўнгги граммигача сира нобуд қилмай йиғибтериб олиб, юқори сортлар билан давлатга топшириш, план ва мажбуриятларимизни шараф билан бажаришда қолди.

Совхоз давлатга 12 минг тонна «оқ олтин» топшириш мажбуриятини олган. Далалардаги ҳосилни чамалаб кўриб мажбуриятимизга қўшимча киритдик. Съездлар йилида она-Ватанга 15 минг тонна «оқ олтин» армуғон этадиган бўлдик. Планимиз ҳам, мажбуриятимиз ҳам ана шу. 15 минг тонналик пахта хирмонига байроқ тикилган куни пахтакорлик бурчимизни ўтадик, деб айта оламиз. Ўнгача теримда зарбдор меҳнатни кучайтириб, суръат отига қамчи босаверамиз. Районнинг бу йилги пахта хирмони 40 минг тоннани ташкил этмоғи лозим. Бундай пахта хирмони районимиз пахтачилиги тарихида ҳали уйилган эмас. Районимиз ҳам, совхозимиз ҳам йиллик планни бажариш арафасида турибди.

Биз шу кунгача давлат тайёрлов пунктига 10 минг тоннадан кўпроқ пахта топширдик. Машиналар билан 8 минг тоннага яқин дурдона териб олинди. Теримчилар, ёрдамчилар ва асосан машиналар шарофати билан кун сайин маррага яқинлашиб келмоқдамиз. Илғор бўлимларимиз бригадаларимиз ҳозир мажбурият ҳисобига пахта топширишяпти. Болта Нарзиев бошқарувчилик қилаётган бўлим пахтакорлари Ватанга 2200 тонна «оқ олтин» топшириб йиллик планни ошириб бажардилар. Сафар Хўжақулов бригадаси гектаридан 30 центнердан кўпроқ ҳосил олди. Шунингдек, Ҳилол Қурбонов, Болти Бозоров, Насрулла Икромов, Асрор Остонов, Нурилла Отауллаев бошлиқ бригадаларда давлатга топширилган ялпи ҳосилнинг 90 проценти машиналарда териб олинди. Жами 40 та бригада. 4-бўлимимиз биринчи теримдаёқ планларини бажариб, мажбурият ҳисобига пахта топширишяпти.

Қўлга киритилган ютуқлар пахтакорларни янги зафарларга чорлаяпти. Бўлимлар бўйича гектаридан яна 15—20 центнердан ҳосил олиб, бригадаларда 50—55 центнерлик маррага етиш учун мусобақа байроғи янада баланд кўтарилляпти. Далаларимизда юздан зиёд терим машинаси жавлон уряпти. Кунига бункерлардан 250—360 тоннагача пахта тўкиляпти. Машиналар шарофати билан йиллик планнинг 2,5—3 проценти миқдорида пахта топширяпмиз. Демак далаларда пахта кўп. Уни тезкорлик билан йиғиб-териб олмоғимиз керак. Юксак мажбуриятни адо этиш муқаддас бурчимизга айланди.

Механик-ҳайдовчиларимиздан Тўхтамурод Бекмуродов, Зариф Шарипов, Олим Бозоров, Раҳим Саъдуллаев, Шоди Бозоров, Иди Жумаевлар шу кунгача 200—250 тоннадан пахта теришди. Айни кунларда ҳам улар 2—2,5 тоннадан дурдона теришяпти.

Илгариги йилларда ер музлаганда ҳам пайкалларга машина киритганмиз, пахта терганмиз. Шундай экан, ҳозирги озгина ёғингарчилик олдида саросимага тушмаслигимиз керак. Етиштирилган ҳосилни ёғин-сочинли кунларгача бир граммини ҳам далада қолдирмай, йиғиб-териб давлатга топширишимиз лозим.

Далада ишловчиларга кийим-кечаклар, озиқ-овқатлар етказиб бериш, кино-концертлар кўрсатишни ташкил этиш хўжалик раҳбарларининг муҳим бурчидир. Биз шунга амал қиляпмиз. Суръатни сира сусайтирмаслик учун барча чораларни кўраётирмиз.

Фидокор кишилар — энг яқин кўмакдошларимиз бўлган шаҳарлик биродарларимиздан миннатдормиз. Улар айни долзарб дамларда бизга яқиндан туриб мададкор бўлмоқдалар. Биз 8—9 иш кунида план ва мажбуриятимизни шараф билан бажарамиз. Она-Ватан совхозимизнинг 15 минг тонна юқори сорт пахтасини қабул қилиб олади, ҳосилдорликни гектар бошига 40 центнерга етказамиз.

Н. НАВРЎЗОВ.
Бухоро область, Коғон районидаги «Коғон» совхозининг директори.

ТЕРИМ ЗАРБДОРЛАРИ

Вобкент районидаги ингичка толали пахта етиштиришга ихтисослаштирилган Калинин номли колхознинг механизатори Тўра Султонов ўз агрегати бункеридан 210 тонна ипак пахта тўкди.

* * *

Баҳористон районидаги «Партия XXV съезди» совхозининг пешқадам механизатори Эшқуввват Ихромов шу кунгача 250 тонна пахта терди. У 400 тонналик маррани эгаллаш учун пахтазорда фидокорона меҳнат қилмоқда.

* * *

Шофиркон районидаги Охунбобоев номли колхознинг механик-ҳайдовчиси Ўткир Ражабов мавсум бошидан буён 226 тонна пахта терди.

* * *

Тоғлимаржон районидаги «ВЛКСМ XVIII съезди» совхози механизатори Насриддин Абдуллаев мавсумда 500 тонна пахта териш ташаббуси билан чиқиб, ўз ҳамкасбларини мусобақалашиб ишлашга чақирган эди. Илғор механизатор шу кунгача 560 тонна «оқ олтин» териб, ваъдасини ошириб бажарди.

* * *

Тўрткўл районидаги «Ленинизм» совхозининг чевар теримчилари Жамила Муротова ва Ўғилсанам Есеновалар ўзаро мусобақалашиб ишлаб, кунига 180—185 килограммдан пахта теришга муваффақ бўлишмоқда.

ПАХТАКОРЛАР ҲУЗУРИДА

Ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида она-Ватанга камида 50 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун курашаётган Хўжайли район пахтакорлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг Мурожаатига амалий иш билан жавоб бермоқдалар. Саноат, транспорт, қурилиш корхоналари коллективлари, шунингдек ўрта махсус ўқув юртлари, мактабларнинг юқори синф ўқувчилари етиштирилган ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олишда пахтакорлар билан ёнма-ён туриб меҳнат қилмоқдалар.

Пахта майдонида жасорат кўрсатиб ишлаётган марди майдонларга шаҳар маданият бўлими қошида ташкил этилган агитбригада коллективи яхши хизмат қилмоқда. Район «Билим» жамияти лекторлари, кўчма кутубхона, «Сарвиноз» ансамблидан ташкил топган бу агитбригаданинг маданий хизмати пахтакорларнинг олқишига сазовор бўлмоқда.

Райоининг «Амударё» совхози, «Коммунизм», Охунбобоев номли, Энгельс номли, Ҳамза номли, «Ленин байроғи» колхозларининг дала шийпонларида ўтказилган мароқли суҳбат ва лекциялар ҳамда «Сарвиноз» ансамблининг дилрабо куй-қўшиқлари пахтакорларни мамнун этмоқда.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҲИММАТ

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг юздан ортиқ ходимлари пахта йиғим-терими ҳашарини Тошкент области, Бекобод районидаги «Победа» колхозида ўтказмоқдалар. Бугунги кунгача улар терган пахта йигирма беш тоннадан ошди.

Республика Фанлар академияси президиуми ходими Ҳ. Холматова, тарих институти ҳамда тарих музейи ходимларидан Н. Обломуродов, У. Абдувосиқова, С. Толипова, М. Бозорова, К. Ҳайитова, Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти ходимларидан Қ. Оқилхонов, С. Хўжаев, О. Одилхонов каби илғор теримчилар кунига 100—120 килограммдан ошириб «оқ олтин» теришмоқда.

Яқинда Ҳамза районидан борган ҳашарчилар ўртасидаги мусобақа натижалари якунланди. Академия ходимлари биринчи ўринни эгаллаб, кўчма вимпелни қўлга киритдилар.

Р. ОБИДОВ.

ЧЕВАРЛАР

Шаҳрисабз районидаги Энгельс номли колхозининг чевар теримчиси Гулсара Самиева мавсумда 10 тонна «оқ олтин» териш мажбуриятини олган эди. Шу кунгача хирмонга 9 минг килограмм пахта тўкди. Чевар теримчи шу кунларда ҳам 90—100 килограммдан пахта териб, мусобақада пешқадамлик қиляпти. «Коммунизм» колхозининг кўпминг килограммчи теримчиси Ҳадича Норова ҳам ҳамкасбидан қолишмай пахта теряпти.

КЕЧАГИ ПОЧТАДАН

ХИЗМАТ ДАЛАГА КЎЧДИ

Бўз районида заршуносларнинг унумли ва самарали меҳнат қилишлари учун барча қулайликлар муҳайё этилган. Шу кунларда район аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг ходимлари хизматни далага кўчиришган. Колхоз ва совхозларнинг дала шийпонларига пойабзал, турли керакли буюмлар ва махсулотлар етказиб берилмоқда. Шунингдек, меҳнаткашларга сартарошлик ва сураткашлик хизмати кўрсатиш ҳам яхши ташкил этилган.

Карл Маркс номли, Энгельс номли, Тельман номли колхозлар ҳамда «Ленинчи» совхозининг тўртинчи ва бешинчи бўлимларида комбинатнинг комплекс қабул қилиш пунктлари мунтазам ишлаб турибди. Мазкур пунктларда пахтакорлардан турли хил буюртмалар қабул қилиниб, қисқа муддатда олиб келиб беряпти.

Меҳнаткашларнинг буюртмаларини кўнгилдагидек қилиб ҳозирлашда комбинатнинг Я. Комилов, Л. Сотволдиев, Г. Дадабоева, И. Раимжонов сингари ходимлари фаоллик кўрсатишмоқда. Уларнинг намунали хизматидан дала шунқорлари беҳад мамнун.

Комбинат ходимлари қишлоқ меҳнаткашларига маиший хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтириш учун астойдил курашмоқдалар. Шийпонларга буюртмаларни қисқа фурсатларда элтиш учун олтита транспорт трактори ҳамда иккита машина ажратилган. Бир сўз билан айтганда, маиший хизмат далага кўчди.

Ҳ. РУСТАМОВ.
Андижон области.

БУГУН ТОШКЕНТДА СССР КИНЕМАТОГРАФЧИЛАР СОЮЗИ ПРАВЛЕНИЕСИ СЕКРЕТАРИАТИНИНГ КЎЧМА МАЖЛИСИ ОЧИЛАДИ

КАТТА САНЪАТ ДАВРАСИ

Мухбиримиз Ўзбекистон Кинематографчилар союзи правлениесининг биринчи секретари, СССР халқ артисти Малик ҚАЮМОВга учрашиб, мажлис ҳақида қисқача ахборот беришини илтимос қилди.

Секретариат «Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари Кинематографчилар союзларининг кинофильмлар ғоявий-бадиий савиясини ошириш юзасидан вазифалари» деган масалани муҳокама қилади. Унда СССР Кинематографчилар союзининг 1982 йилда кўзда тутиладиган асосий тадбирлари плани лойиҳаси ҳам кўриб чиқилади.

Биринчи масала юзасидан Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари Кинематографчилар союзларининг раҳбарлари ахборот берадилар.

Кўчма мажлисда СССР Кинематографчилар союзи правлениесининг биринчи секретари, СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Л. Кулижанов, СССР Кинематография давлат комитети раисининг ўринбосари Б. Павленок, Ленин мукофоти лауреати Ч. Айтматов, СССР Кинематографчилар союзининг секретарлари — СССР халқ артисти, Ленин мукофоти лауреати, профессор С. Ростоцкий, РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ленин ва СССР Давлат мукофотлари лауреати В. Шумский, Ленин мукофоти лауреати И. Григорьев, СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати А. Баталов, санъатшунослик доктори, профессор А. Караганов, Грузия ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Г. Марьямов, СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Е. Матвеев, РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби В. Соловьев, СССР Кинематография давлат комитетининг бадиий фильмлар бўйича Бош сценарий редакцион коллегиясининг бош редактори А. Богомолов, Бутуниттифоқ киношунослик илмий-тадқиқот институтининг директори, санъатшунослик доктори В. Баскаковлар иштирок этишади. Йиғилишга бошқа қардош республикалар союзларининг, кинематография давлат комитетларининг раҳбарлари ҳам меҳмон бўлиб келишган.

Муҳокама қилинадиган фильмлар Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари киностудияларида 1980—1981 йиллар даврида ишлаб чиқарилган картиналардир. Бу асарларни муҳокама қилишда, фильмларнинг бадиий қиммати, режиссёрлик, операторлик ишлари, актёрлар ижрочилиги ҳақида фикр-мулоҳаза юритишда таниқли совет киношунослари ва кинотанқидчилари қатнашадилар. Секретариат кунларида совет киноси арбоблари билан шаҳар меҳнаткашларининг учрашувлари бўлиб ўтади. Кинематографчиларнинг бу форуми Санъат саройида катта тантанали кеча билан якунланади. Кечага В. Тихонов, Н. Мордюкова, Л. Смирнова, Л. Гурченко, Л. Чурсина, М. Глузский, И. Мирошниченко каби машҳур киноактёр ва актрисалар ташриф буюришади.

Кўчма мажлис иштирокчилари орасида машҳур кино арбоблари, кинорежиссёрлар, ажойиб роллари билан кўп миллионлаб кино мухлислари олқишига сазовор бўлган, совет киносининг энг яхши намуналарида бош ролларни ижро этиб довруғ таратган машҳур актёр ва актрисалар бор. Қардошларимиз Тошкентда бўлганларида айни шу кунларда олиб бораётган ишлари, изланишлари, режалари ҳақида кино мухлисларига гапириб берадилар.

Суратда: кўчма мажлис қатнашчиларидан бир группаси.

А. Тўраев фотоси.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА УЗСОВПРОФ ҚЎШМА РЕЙДИ

БУЮРТМАЧИ МАМНУНМИ?

Халқ фаровонлиги юксала борган сари меҳнаткашларнинг хизмат соҳасига бўлган талаб ва эҳтиёжлари тобора ошмоқда. Улар якка тартибда кийим тикиш хизматидан ҳам кўпроқ фойдаланяптилар. Чунки халқимиз ҳар қачонгидан кўркам ва башанг кийинмоқда. Савдо тармоқлари расталарида кийим-кечак лиқ тўла бўлса ҳам баъзан ҳар ким ўзига мос кўйлак, костюм, пальто топа олмайди. Ҳисобларга кўра, аҳолининг деярли ярми ательеларда кийим-бош тиктирмоқда. Бу ерда буюртмачиларга қандай муомалада бўлишяпти! Буюртмаларни бажариш муддатларига риоя қилиняптими! Иш сифати, хизмат маданияти қандай! Ана шу саволларга жавоб топиш учун «Совет Ўзбекистони» газета редакцияси ва Узсовпрофнинг уй-жой ва маиший хизмат бўлими республикамизнинг турли областларида қўшма рейд ўтказдилар. Рейдда область аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бўлими, маҳаллий Советлар ижроия комитетлари, жамоат комиссиялари, область нарх бўлими мутахассислари, касаба союз активлари иштирок этдилар.

Ўнинчи беш йиллик мобайнида Тошкентдаги В. И. Ленин номли якка тартибда кийим тикиш ва кийимларни ремонт қилиш бўйича ишлаб чиқариш бирлашмасида хизматнинг янги турлари ва усулларини ўзлаштириш соҳасида қатор тадбирлар амалга оширилди. Пойтахтимизнинг йирик корхоналарида, чунончи «Ташавтомаш», «Таштекстильмаш», чинни заводларида, Жаҳон Обидова номидаги тамаки фабрикасида, Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида, Тошкент политехникуми, 3-таксомотор паркида буюртмаларни қабул қилиш пунктлари ташкил этилди.

Ишлаб чиқариш қувватлари ва ускуналаридан фойдаланиш борасида ҳам маълум ишлар амалга оширилди. Бирлашма қарамоғидаги 16 ателье коллективи аҳоли учун қулай бўлган бир ярим сменали иш кунига ўтказилди. 28 ательенинг салонлари эса меҳнаткашларга қулайлик яратиш мақсадида дам олиш кунисиз ишламоқда. Ҳозирги кунда ҳаммаси бўлиб 68 ателье пойтахт меҳнаткашларига хизмат кўрсатмоқда. Уларда меҳнатни ташкил этиш такомиллаштириляпти. Ҳозирги кунда ишчиларнинг 87 проценти бригада методи асосида ишламоқда. Барча ательеларда илғор технология жорий этилган. 32 ательеда ишлаб чиқаришни оператив бошқариш системаси — «Ритм», 30 ательеда эса сифатни бошқариш системаси ўзлаштирилган. Бу йил охиригача пойтахт меҳнаткашларига 9 миллион 250 минг сўмлик хизмат кўрсатиш кўзда тутилмоқда. Бу ўтган йилга нисбатан 1 миллион сўмлик кўпдир.

Пойтахтимизда буюртмачилар олқишига сазовор бўлаётган қўлигул чеварлар, бичиқчилар, биринчи класс ательелар кўп. М. Ғафуров мудирлик қилаётган Космонавтлар проспектига жойлашган 5-ателье ана шулар жумласидандир. Агар ательенинг «Таклиф ва мулоҳазалар» дафтарини варақласангиз меҳнаткашлар қалбига йўл топаётган, ўз касбининг устаси бўлган чеварлар, ателье коллективи шаънига айтилган дил сўзларини кўплаб ўқишингиз мумкин:

Шота Руставели кўчасига жойлашган 37-ателье коллективи ҳақида ҳам илиқ сўзлар айтиш мумкин. Бу ерда «Ритм» ва сифатни бошқариш системалари ўзлаштирилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин бу системаларнинг жорий этилганлиги яхши самара бермоқда. Заказларни бажариш муддати қисқариб, улар нуқсонсиз тайёр бўляпти. Ателье аҳолига қулай график асосида ишламоқда. Социалистик мусобақа зарбдори бўлган ишчан коллективда сифат комиссияси актив фаолият кўрсатмоқда.

Бирлашмага қарашли 1-ателье Тошкентнинг марказий кўчаларидан бири — Киров кўчасига жойлашган. Бу ерга киришимиз билан қабул қилувчи Ўғилой Мадалиеванинг муомаласи таъбимизни хира қилиб юборди.

— Бизни текширишга ҳаққингиз йўқ, бошқармадан йўлланма олиб келинг, — деб туриб олди у.

Кўргазамага қўйилган газмолларга назар ташлаймиз. Улар мижозлар диққатини унчалик жалб этмайди. Лекин омборхонада камёб, харидоргир моллар етарлича бор.

— Бу моллар нима учун кўргазмада йўқ, — сўраймиз вақтинча склад мудири вазифасини бажараётган Зумрад Сулаймоновадан.

— Булар массовка учун ажратиб қўйилган — дея баҳона қилди у.

Омборхонада мавжуд 170 хил газмолдан атиги 29 хили кўргазмага қўйилган. 6 хил мўйна ёқадан бирон хили кўргазмада йўқ. Улар бу молларни кимларга асраб қўйишган экан? — деган савол туғилади.

Камёб, харидоргир молларни яшириб қўйиш каби ҳоллар республикамиз областларидаги айрим ателье ва тикув цехларида ҳам учрамоқда. Фарғона область Киров районидаги Киров номли совхоз «Октябрь 40 йиллиги» бўлимининг маиший хизмат уйи мудири С. Назирова омборхонадаги 15 хил турли газламанинг 9 хилини буюртмачилардан яшириб қўйган. Қува шаҳар маиший хизмат комбинатига қарашли 3-тикув цехидагилар ҳам ундан қолишмайди. Бу ерда 649 сўмлик турли хил молларнинг намуналари кўргазмага қўйилмаган.

Текширишлар натижаси шуни кўрсатадики, маиший хизмат корхоналарида прейскурантдаги баҳолар нотўғри қўлланяпти. Буюртмаларни расмийлаштириш қоидалари қўпол равишда бузилмоқда. Уларни бажариш муддатларига риоя қилинмаяпти. Буюртмалар квитанциясиз бажариляпти.

Қорақалпоғистон АССР Беруний район аҳолига маиший хизмат комбинатининг «Баҳор» маиший хизмат уйига қарашли тикув устахонаси буюртмачилардан 2-разрядли ателье бўйича ҳақ олмоқда. Шу йилнинг биринчи ярим йили мобайнида бу ерда буюртмачилардан 415 сўм ортиқча пул олинган. Чимбой район маиший хизмат комбинатининг 2-тикув цехи қабул қилувчиси Жилбоева шу йил 12 июнда расмийлаштирган 294322 рақамли квитанция бўйича буюртмачи Осмоновадан прейскурантга мувофиқ 7 сўм 35 тийин ўрнига 9 сўм 35 тийин олган.

Самарқанд область тикув бирлашмасига қарашли 51-устахонада ҳам 2-разрядли ателье бўйича бемалол ҳақ олиняпти. Шу йилнинг беш ойи ичда 3280 сўмлик иш бажарилган бўлса, баҳони нотўғри қўллаш натижасида аҳолидан 658 сўм ортиқча пул олинган. 25-устахонада эса — 463710 рақамли квитанция бўйича 10 сўм 25 тийин ўрнига 16 сўм, Оқдарё район маиший хизмат комбинати ательесида эса фақат 5 та квитанция бўйича 42 сўм 35 тийин ортиқча ҳақ олинган.

Қўқон шаҳар маиший хизмат комбинатига қарашли болалар кийимларини тикувчи ателье, Пастдарғом, Ургут район маиший хизмат комбинатлари фаолиятида ҳам ана шундай нуқсонлар мавжуд.

Кези келганда шуни айтиш керакки, баъзи халқ депутатлари маҳаллий Советлари, колхоз ва совхоз раҳбарлари маиший хизмат ходимларининг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш ҳақида етарли ғамхўрлик қилмаётирлар. Фактларга мурожаат этайлик. Тошкент шаҳар Октябрь район Совети ижроия комитети 2, 3, 31, 39-ательелар учун, Чилонзор район Совети 34-ателье филиали учун янги бино ажратиш ишини пайсалга солмоқда.

Маиший хизмат корхоналарини замонавий астарбоп материаллар, буюртмаларни безаш учун ишлатиладиган турли ип ва ипаклар, тугма ва фурнитура билан таъминлаш масаласи ҳамон ҳал бўлгани йўқ. Шу кунгача дағал материаллар ишлатиляпти. Турли рангдаги ип ва ипаклар етишмайди. Бу масалани ҳал этиш маиший хизмат корхоналарида меҳнат унумдорлигини ошириш, буюртмалар сифатини ва эстетик безашни яхшилаш имконини берган бўлур эди. Якка тартибда кийим тикиш корхоналарида болалар кийимларини тикиш цехлари йўқ. Тошкентдек шаҳри азимда биргина болалар ательеси мавжуд. Бу эса меҳнаткашларнинг кун сайин ошиб бораётган талабларига жавоб бермаётир.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотлари якка тартибда кийим тикиш корхоналари ишини яхшилаш, меҳнаткашларга хизмат маданиятини юксалтириш борасида ҳали кўп иш қилишлари лозим. Коллективларда партия ва комсомол ташкилотларининг таъсирини кучайтириш, тарбиявий ишларни жонлантириш даркор. Хизматнинг илғор усулларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, хизмат маданиятини янада юксалтириш лозим.

М. ИБРОҲИМОВА,
Узсовпрофнинг уй-жой ва маиший хизмат бўлими инструктори.

М. МИРЗАМУҲАМЕДОВА,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎзТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

АХБОРОТ

КИНОЗАЛЛАР ХИЗМАТДА

Тошлоқ районидаги «Коммуна» колхозининг бешинчи бригадаси дала шийпонида «Шонли ишлар сарчашмасида» фильмини намойиш қилиш билан етмиш ўринли доимий кинозал ишлай бошлади. Киномеханик С. Алиев кинозални чиройли қилиб безатди, колхозчиларнинг буюртмалари асосида пахта йиғим-терими мавсуми охиригача репертуар тузди.

Ҳозирги вақтда Фарғона области колхоз ва совхозларининг бригада дала шийпонларида қирқдан кўпроқ кинозал ишлаб турибди. Бу ерда кинофильмларни кундузи — тушки танаффус вақтида ҳам кўриш мумкин. Механизаторлар, теримчиларнинг ҳозирги долзарб кунларида юздан кўпроқ кўчма кино ҳам уларга хизмат кўрсатмоқда.

ТАБРИКНОМА КЕЛДИ...

Аблямит Асанов оиласи номига табрикнома келди. Боёвут районидаги Пушкин номли совхоз директори, хўжалик партия комитетининг секретари ва ишчилар комитетининг раиси бу оилани Аблямит эришган меҳнат муваффақияти билан табрикладилар. Аблямит биринчи ўн кунлик якунларига кўра, пахта тераётган хўжалик механизаторлари мусобақасининг ғолиби бўлди. У ҳар куни 14 тонна пахта термоқда.

Совхозда мусобақа ғолибларининг оилаларига ана шундай табрикномалар юбориш анъана бўлиб қолди.

— Бу катта самара бермоқда, — дейди совхоз директори С. Абдуқодиров. — Табрикнома оилаларнинг аъзоларида ўзларига яқин кишидан фахрланиш ҳиссини уйғотади, механик ҳайдовчиларни юксак кўрсаткичларга эришишга илҳомлантиради.

ТАБИАТ ТУҲФАЛАРИ

Наманган қишлоқ хўжалик техникумида «Табиат туҳфалари» кўргазмаси ташкил этилди. Унда техникум ўқув-тажриба хўжалигининг ўқувчилари етиштирган сабзавот ва мевалар намойиш этилмоқда.

Экспонатлар орасида бўлажак агрономлар ва уларнинг устози Маҳмуджон Холмирзаев етиштирган ажойиб маҳсулотлар бор. Наманган ўлкасида биринчи марта етиштирилган одам бўйи келадиган Вьетнам ошқовоқлари зўр қизиқиш уйғотмоқда. Ҳар бирининг оғирлиги 35 килограммгача бўлган қовоқлар кўргазмада ҳам намойиш этилмоқда.

ҚИШЛОҚ КАСАЛХОНАСИ

Томди районидаги «Жана Шаруа» («Янги Чорва») қоракўлчилик совхозининг марказий қўрғонида янги қишлоқ касалхонаси очилди. Касалхона дастлабки беморларни қабул қилди. Йил бошидан бери хўжаликда интернати бўлган ўрта мактаб, янги универсал магазин, маиший хизмат уйи қурилди. Совхознинг июль ойи бошида очилган бахт уйида ҳозирнинг ўзидаёқ ўн олтита комсомол тўйи ўтказилди

ҲАР ТЎҒРИДА

ШАМОЛ ТУФАЙЛИ

Карелия АССРнинг Беломор районидаги шимолий ўрмон хўжалигида ажойиб бир ҳодиса содир бўлди. Бригада аъзолари эрталаб келишса икки гектар майдондаги катта-катта дарахтлар илдизлари билан қўпорилиб ётганмиш. Дарахтлар тупроқдан тозалаб қўйилганидан ташқари текисланиб, тахлаб қўйилибди. Шамол одамларга ана шундай холис хизмат қилибди. Метеорологлар бир кун аввал тунда шамол бўлганлигини қайд этган эдилар. Карелияда бундай ҳодиса тез-тез бўлиб туради. Масалан, бир неча йил муқаддам қўшни районда ҳам шундай шамол дарахтларни «кесиб» кетган эди.

КУЧЛИ ДЎЛ

Яқинда Бразилиянинг Сан-Паулу штати ғарбидаги Марилья шаҳри районида жуда кучли дўл ёғиб, уч юз минг тупдан кўп кофе дарахтига шикаст етказиб кетган. Айрим дўлларнинг оғирлиги икки юз граммгача бўлган. Уй-жой зарар кўрган, бир неча киши жароҳатланган.

САНОАТ РОБОТЛАРИ

Саноат роботлари ишлаб чиқариш Японияда кенг йўлга қўйилган. Бу роботлар бўёқчилик ишлари, металл конструкцияларни аниқ пухта пайвандлаш каби кўпгина ишларни бажариши мумкин. Бултур мамлакатда 19900 робот тайёрланган эди. Япония савдо-саноат доираларининг фикрича, 1990 йилга бориб роботлар ишлаб чиқариш ўн баравар кўпайди.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудирлари: ўрмоншунослик, ўрмондаги дарахтлар сонини белгилаш ва ўрмон тузилиши, статистика, жисмоний тарбия;

кафедра профессори: пахтачилик;

кафедра доцентлари: ўрмоншунослик, ўрмондаги дарахтлар сонини белгилаш ва ўрмон тузилиши, статистика, энтомология ва зоология, фитопатология, рус тили;

кафедра катта ўқитувчилари: жисмоний тарбия, чет тиллари (чет элликлар учун рус тили);

кафедра ассистентлари: КПСС тарихи (2 ўрин), сиёсий иқтисод, совет ҳуқуқи ва бошқариш (2), ўсимликшунослик, қишлоқ хўжалик моллари анатомияси ва физиологияси, ўрмон мелиорацияси, олий математика, фалсафа, тупроқшунослик, меҳнат муҳофазаси ва машина-трактор парки эксплуатацияси;

кафедра ўқитувчилари: рус тили (3), чет тиллари (чет элликлар учун рус тили), жисмоний тарбия (3).

ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ БЎЙИЧА:

кафедра мудирлари: КПСС тарихи ва илмий коммунизм, марксча-ленинча фалсафа, қишлоқ хўжалик корхоналари хўжалик фаолиятининг анализи ва бухгалтерия ҳисоби, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва механизациялаш;

кафедра профессори: КПСС тарихи ва илмий коммунизм;

кафедра доцентлари: КПСС тарихи ва илмий коммунизм, ўсимликшунослик (4); фитопатология, ўсимликлар физиологияси, селекция ва уруғчилик, ўсимликшунослик курслари бўйича; хусусий зоотехника;

кафедра катта ўқитувчилари: рус тили, сиёсий иқтисод;

кафедра ассистентлари: КПСС тарихи ва илмий коммунизм, сиёсий иқтисод, ўсимликлар физиологияси, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва механизациялаштириш, илмий-тадқиқот сектори бошлиғи.

КОНКУРС МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент шаҳри 183 алоқа бўлими, кадрлар бўлими.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ
ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ
1981—82 ўқув йили учун
ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Илғор ишчилар, колхозчилар ва СССР Қуролли Кучларидан запасга бўшатилганлар сафидан тўлиқ ўрта маълумотли шахслар саноат корхоналари, қурилишлар, транспорт ва алоқа ташкилотлари, колхозлар, совхозлар ва ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг йўлланмаси билан қабул қилинадилар.

Кундузги умумтаълим мактабларини битирганлар мактабни тугатгандан сўнг камида бир йиллик узлуксиз меҳнат стажига эга бўлган тақдирдагина қабул қилинадилар.

Кичик медицина ходими бўлган шахслар (касалларни парваришлаш бўйича кичик медицина ҳамширалари ва санитаркалар) даволаш, санитария-профилактика, аптека муассасалари ва суд-медицина экспертизасининг йўлланмаси билан, камида 2 йиллик меҳнат стажига эга бўлиб, меҳнат фаолиятининг сўнгги йили узлуксиз бўлган тақдирда қабул қилинадилар.

Тайёрлов бўлимига йўлланганлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: ректор номига ариза, тайёрлов бўлимига йўлланма, ўрта маълумоти тўғрисида ҳужжат (асл нусхаси) характеристика, медицина справкаси (286-форма), 6 та фотосурат, меҳнат дафтарчаси ва унинг нусхаси.

Ҳарбий билет ва паспорт шахсан кўрсатилади.

АРИЗАЛАР 10 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Тайёрлов бўлимига қабул қилиш суҳбат якунларига кўра 25 ноябрдан 30 ноябргача ўтказилади.

МАШҒУЛОТЛАР 1 ДЕКАБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқиш муддати — 8 ой.

Тингловчилар стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: 700033, Тошкент шаҳри, К. Маркс кўчаси, 103-уй.

ТОЛЬЯТТИ «СИНТЕЗ КАУЧУК» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ 46-ТЕХНИКА-БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги ихтисосликлар бўйича
1981-82 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Нефть-химия саноатининг кенг профилли аппаратчиси, химиявий анализ лаборанти, электр ускуналарига хизмат кўрсатиш бўйича электромонтёр, машина насос қурилмалари ишларини бажарадиган контроль қурилмаларининг III разрядли машинисти, токарь, слесарь. Ўқиш муддати — 11 ой;

Контроль-ўлчов асбоблари ва автомашина слесарь-аппаратчиси, контроль-ўлчов асбоблари ва автомашинанинг лаборант-аппаратчиси, слесарь, электр ускуналарига хизмат кўрсатиш ва уларни ремонт қилиш бўйича электромонтёр. Ўқиш муддати — бир йил ва 6 ой.

Ўқишга 17 ёш ва ундан катта бўлган 10-синф ҳажмида маълумотли қизлар қабул қилинадилар.

Битирувчилар билим юртини тугатганларидан кейин Тольятти «Синтез каучук» ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юбориладилар.

Стипендия — 70 сўм.

Билим юртини яхши ва аъло баҳолар билан битирган ва унинг жамоат ҳаётида актив қатнашганларнинг стипендияси 15-25 процент оширилади. Бошқа шаҳарлардан борганлар ётоқхона билан бепул таъминланадилар.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли шароитда кириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Билим юрти адреси: 445007, Тольятти шаҳри, Новозаводская кўчаси, 33-уй, (1, 9, 11, 104, 46-автобуслар; 2, 3, 4, 16-троллейбусларнинг «Завод» бекати).

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/X да **Нодирабегим**, 25/X да **Алмандар**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 24/X да **Хизматингизга тайёрмиз**, 25/ да **Гулсара**.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Сиз ёқтирган шеърлар. 10.45 — Виктор Кингисеппнинг ҳаётидан икки кун. Бадиий фильм. 2-серия. 11.50 — Концерт. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Меҳнатинг — иқболинг. 16.00 — Шахмат мактаби. 16.30 — Концерт. 16.55 — Москва ва москваликлар. 17.25 — Эртак ҳузурида меҳмонда. 18.45 — Ҳамдўстлик. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Муаммолар, изланишлар, ечимлар. 21.00 — СССР халқ артисти Ю. Гуляев концерти. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт. 23.20 — Дунё воқеалари. 23.35 — Қримнинг сахий қуёши.

МОСКВА-IV 9.00 — Время. 9.45 — Ҳужжатли фильм. 10.05 ва 12.05 — Инглиз тили. 10.35 ва 11.35 — География. 11.05 — Ўқув кўрсатуви. 12.40 ва 13.40 — Музика. 13.10 — Илмий-оммабоп фильмлар. 14.10 — Бил ва уддала. 14.55 — Монументал пропаганданинг ленинча плани. 15.25 — Ўқув кўрсатуви. 15.50 — Табиатшунослик. 16.10 — География. 16.40 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Хат ёзинглар. Бадиий фильм. 20.45 — Бадиий гимнастика бўйича жаҳон чемпионати. 21.15 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳужжатли фильм. 22.30 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Металлист» (Харьков) — «Шинник» (Ярославль).

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Ўйлаб топ. 12.00 — Телефильм. 12.30 — Рус адабиёти. 13.00 — Адабий композиция. 13.25 — Телефильмлар. 18.10 — Циркни севмай бўладими? 18.55 — СССР Давлат мукофотига номзодлар. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Телефильм. 20.00 — Дунё воқеалари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш — озиқ-овқат программасининг асоси. 22.20 — Ғерговни билимдонлар олиб боради. Бадиий фильм. 2-серия. 23.20 — Аёллар ўртасида чим хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» (Москва области) — «Андижанка».

ТОШКЕНТ-II. 18.15 — Ўқитувчилар учун консультация. 18.45 — Реклама. 19.00 — Ўқув кўрсатуви. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Ёнғиндан сақланинг!

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбек халқ қўшиқлари. 9.35 — Вокал сюита. 11.15 — Партия ходими минбари. 11.25 — Композитор С. Жалил ижодхонасида. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00 — Ижро — назоратда. 14.00 — Ташаббускор намунаси. 19.25 — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист М. Жалилов куйлайди. 21.15 — Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун. 21.25 — Пахтакорларнинг талабларига биноан концерт. 22.30 — Радиоспектакль.

●

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

1982 йил учун
РЕСПУБЛИКА ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРИГА

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Обуна «СОЮЗПЕЧАТЬ» агентликларида ва алоқа бўлимларида 1 ноябргача қабул қилинади. Обунани каталогда кўрсатилган шартларга биноан хоҳлаган муддатга расмийлаштириш мумкин.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг «СОЮЗПЕЧАТЬ» бошқармаси.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-35-53, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22; стенографистка — 33-73-43, 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. — 02285. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 245.